2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 61 (61), 2020 йил 17 апрель, жума

201 A Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 апрель куни кимё, агротехника ва автомобиль саноати корхоналарида ишлаб чиқариш суръатларини таъминлаш ҳамда янги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, коронавирус пандемияси барча мамлакатлар иқтисодиётига катта зарар етказмоқда. Халқаро валюта жамғармаси ҳисоботида маълум қилинишича, бу йил жаҳон иқтисодиёти кўрсаткичлари камида 3 фоизга пасайиши кутиляпти.

Шундай мураккаб даврда Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва аҳоли даромадлари камайиб кетмаслигини таъминлаш учун барча резервлар ишга солинмоқда. Зарур чора-тадбирлар умумий ёндашув асосида эмас, ҳар бир тармоқ бўйича алоҳида белгиланаётир. Уларга ёрдам бериш, муаммоларни кундалик ҳал қилиш учун Президент Администрацияси, ҳукумат, вазирлик ва идоралар раҳбарлари 128 та йирик ишлаб чиқариш корхонасига бириктирилган.

Кимё саноати мавжуд қувватларни сақлаб қолиш билан бирга янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун барча имкониятларга эга. Аммо тармоқдаги бугунги ҳолатга йиғилишда танқидий баҳо берилди.

Қайд этилишича, жорий йилда 9 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 280 миллион долларлик экспорт режалаштирилган. Бунга эришиш учун "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти тармоқдаги корхоналар фаолиятига кўмаклашиб, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, яқин бир ойда "Навоийазот" акциядорлик жамиятидаги поливинилхлорид корхонаси қувватини 90 фоизга етказиш, азот кислотаси ишлаб чиқариш лойиҳасини фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилди.

Ҳозирги эпидемиологик вазият боис, тозалаш ва дезинфекция воситаларига талаб ошган. Хусусан, қўшни давлатлардан 2 минг тонна гипохлоритга буюртма келиб тушган. Шунингдек, тоғ-кон металлургия саноати учун муҳим бўлган цианид тузларига ҳам эҳтиёж ортмоқда.

Шу боис, имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, мавжуд қувватларни модернизация қилишга қаратилган янги лойиҳалар тайёрлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ташқи бозорда маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини ошириш учун транспорт харажатларини камайтириш, ҳамкор давлатлар билан келишиб, темир йўл орқали ташишда қулайликлар яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили 12 июлда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида бўлиб, мутахассислар билан тармоқдаги муаммоларни муҳокама қилган эди. Ундаги хулоса ва таҳлиллар асосида 31 июль куни давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ўтган вақт мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

Йиғилишда техникаларни ўз вақтида сотиш учун харидор билан ишлаш тизимини ривожлантириш, фермер ва деҳқонларга бу борада кредит имтиёзлари бериш зарурлиги қайд этилди. "Ўзагротехсаноатхолдинг" компаниясига қишлоқ хўжалиги техникаларини электрон буюртма асосида сотиш тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган қишлоқ хўжалиги машиналари сифати ва нархи танқид қилинди, бу жиҳатда улар хорижники билан рақобатбардош эмас. Техника қиммат бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархига ҳам таъсир қилади.

Шу муносабат билан ҳамма техника нарх-навосини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, металл қуйиш қувватларини тезроқ ишга тушириб, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

— Маҳаллийлаштиришдан мақсад, ўзимизнинг қишлоқларга мос, деҳқонларга тўғри келадиган ҳамёнбоп миллий тракторлар ишлаб чиқариш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Пахта теримини механизациялашни жадаллаштириш, жорий йил сентябргача жойларга камида 1 000 та пахта териш машинаси етказиб бериш, барча ҳудудларда сервис марказлари ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Бутун дунёда пандемиядан энг катта зарар кўрган тармоқлардан бири автомобилсозлик бўлмоқда.

Бундай шароитда корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш учун, аввало, ички бозор имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарур. Масалан, мамлакатимизда эҳтиёт ва бутловчи қисмлар бозори 500 миллион долларни ташкил этади. Маҳаллий маҳсулотларнинг ундаги улуши эса, атиги 9 фоиз.

"Ўзавтосаноат" акциядорлик жамиятига жорий йил якунига қадар 300 турдаги импорт бутловчи қисмларни ўзлаштириб, хорижникидек сифатли ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди.

Автомобилларнинг янги моделларини ишлаб чиқиш, автокредит бераётган тижорат банкларини рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

"SamAuto" ва "MAN" заводларида махсус техникалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр тармоқда талаб кузатилаётган янги турларни ўзлаштириш яхши самара бериши таъкидланди.

Автосаноат маҳсулотлари экспортини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Ишлаб чиқаришдан тортиб, савдо ва сервис хизматигача бўлган барча жараёнларни рақамлаштириш орқали сифатни назорат қилиш, маҳсулотга ишончни ошириш, очиқ-ошкораликни таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Видеоселектор йиғилишида кимё, агротехника ва автомобиль саноати тармоқлари мутасаддилари, йирик корхоналар раҳбарлари ахборот берди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ПАЛАТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгиланган **"Жамият — ислоҳотлар ташаббускори"** деган янги ғояни амалда рўёбга чиқариш, аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки кўламини кенгайтириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини ўрнатиш, шунингдек, давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси** (кейинги ўринларда — Жамоатчилик палатаси) ҳамда **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик палаталари** (кейинги ўринларда — ҳудудий жамоатчилик палаталари) ташкил этилсин.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ШАРҚШУНОСЛИК СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан Ўзбекистоннинг Шарқ мамлакатлари билан икки ва кўп томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи малакали мутахассисларни тайёрлаш, жаҳонда рўй бераётган жараёнларни тўғри талқин қила оладиган таҳлилий тафаккурга эга кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, шарқ тиллари бўйича синхрон таржимонларни етиштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, институтда шарқшунослик соҳасида халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, илмий-педагогик салоҳиятни ривожлантириш, таълим жараёнининг ўқув-услубий ва ахборот таъминотини яхшилаш, моддий-техник базани замон талабларига мос равишда янгилашда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар сақланиб қолмоқда.

Давоми 3-бетда

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАР СИЛСИЛАСИДА

ЕТАКЧИЛИК – ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚ ДЕМАКДИР

Нурдинжон ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг спикери

Ҳақиқий демократияни таъминлаш учун том маънодаги халқ ҳокимиятчилигини қарор топтиришга қодир, давлат институтларининг инсон манфаатлари учун чинакамига хизмат қилишини таъминлай оладиган самарали механизмни шакллантириш ҳозирга қадар муҳим вазифа бўлиб қолаётир.

Илмий адабиётларда сиёсий етакчи тушунчасига кўп таърифлар берилган. Уларнинг барчасида битта маъно ётади. Яъни сиёсий етакчилик халқнинг ҳоҳиш-иродасини, манфаатларини ифодалаш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш йўлида берилган ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган ўзига хос фаолиятдир.

Сиёсий жараёнларда сиёсий етакчининг ўрни ва роли, энг аввало, унинг мамлакатдаги давлат ва жамият институтлари фаолиятини тўғри йўналтира олиши, пировард натижада жамиятни жипслаштира олиш салоҳиятига эгалиги билан ажралиб туради. Шу сабабли, кўплаб тадқиқотчилар муайян мамлакатдаги сиёсий ислоҳотлар моҳиятини англаб етишга уриниш асосида айнан сиёсий етакчиларнинг шахсий ва касбий фаолиятларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Ушбу қиёслар айнан бизнинг мамлакатимизга ҳам ҳар томонлама таллуқлидир. Зеро, сўнгги вақтларда Ўзбекистонни ўрганишга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Хорижий нашрларда замонавий "ўзбек конструкцивизми", "Ўзбекистоннинг том маънода сиёсий ва иқтисодий илгарилаб кетиш" феномени тўғрисида кўплаб мақолалар ёзилиб, янги Ўзбекистоннинг бундай илдамлари адолатли равишда мамлакатимиз сиёсий етакчиси — Президентимиз Шавкат Мирзиёев шахси билан бевосита боғланмоқда.

Кўплаб нуфузли экспертлар, энг аввало, Ўзбекистон раҳбари сиёсий етакчи сифатида жамиятни бирлаштириш борасида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар самарадорлигини эътироф этмоқда. Бу эътирофлар Президентимизнинг жамиятда бирдамликка эришиш борасидаги маҳорати ва салоҳияти қанчалик юксак эканлигини яққол намоён қилмоқда. Сиёсий етакчи томонидан миллий давлатчиликнинг ривожланиш даражаси, тамойиллари, унинг ўзига хос жиҳатларини ҳар томонлама билмай ҳамда ҳисобга олмай туриб, бундай самарали бошқарув салоҳиятига эришиб бўлмайди. Шу билан бирга, етакчидаги бошқаларда учрамайдиган ўзига хос ноёб иш услуби, вазиятни чуқур таҳлил қила билиш қобилияти ва унинг ўзгариши натижасида юзага келадиган ҳолатларни олдиндан кўра билиш маҳорати алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди". Шу маънода муҳтарам Президентимиз ўз конституциявий ваколатларини самарали адо этиш орқали Ўзбекистоннинг давлат қурилиши соҳасидаги тарихини янги мазмун билан бойитди.

Мамлакатимиз раҳбарининг халқ ҳокимиятчилиги принципларига асосланган давлат бошқаруви тизимини ташкил этишда вакиллик органларига алоҳида эътибор қаратиб, улар ролининг муҳимлигига демократик тарзда ёндашаётганлиги натижасида Ўзбекистон парламентидаги барча сиёсий партиялар бир-бирларининг қарашларини тўлиқ англаган ҳолда жўшқин фаолият олиб бормоқда.

Президентимизнинг ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларининг ўзаро самарали ҳамкорлигига қаратилган саъй-ҳаракатлари жамият тараққиётида муҳим ўрин тутаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Президенти депутатлар корпуси салоҳиятини тўғри англаган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар учун жавобгарликни Ҳукумат билан тенг равишда ўз зиммасига олишини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳеч иккиланмай, дадиллик билан таклиф этди.

2016 йилда эндигина сайланган давлат раҳбарини нима учун, энг аввало, айнан соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳолат ташвишга солаётганини, бу масаланинг қанчалик муҳимлиги ва келажакда унинг қандай улкан аҳамият касб этишини кўпчилик, ҳатто парламент аъзоларининг ўзи ҳам охиригача тушуниб етмаган эди. Очиғи, ўша кезларда "Наҳотки, ҳозир Ўзбекистон учун бундан ҳам муҳимроқ муаммолар бўлмаса?" дея ўзига-ўзи савол берганлар ҳам бўлди.

Орадан уч йил ўтиб, бутун дунё, жумладан, мамлакатимиз коронавирус пандемияси даҳшати билан юзма-юз келгандагина, Ўзбекистон Президентини бундан қарийб 4 йил аввал — 2016 йилдаёқ безовта қилган ҳамда ташвишлантирган муаммонинг моҳияти ва аҳамиятини бутун халқимиз, барчамиз тўлиқ англаб етдик.

Агар ўша вақтда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини изчил равишда қайта кўламли ислоҳ қилишга эътибор қаратилмаганда, ҳозирги вазиятда юртимизда рўй бериши мумкин бўлган йўқотишларнинг кўлами қандай бўлиши мумкинлигини тасаввур этиш жуда оғир. Айнан Ўзбекистон Президентининг моҳирона етакчилик фазилатлари мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун малакали ва сифатли тиббий ёрдам олишни таъминлай оладиган соғлиқни сақлаш тизимидан баҳраманд бўлиш имкониятини берди.

Ўтган йиллари турли мамлакатларда давлат харажатларини мақбуллаштириш борасидаги сиёсатнинг мавжуд тамойилларини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистон Президентининг миллий соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишга доир ташаббуслари қанчалик аҳамияти эканлиги янада яққол намоён бўлади. Ўша вақтда айрим мамлакатларда ижтимоий эҳтиёжларга доир харажатларни қисқартириш, ижтимоий соҳанинг айрим секторларини ва, биринчи навбатда, тиббиётни тижорийлаштириш тамойиллари авж олди. Кўплаб мамлакатларда тиббий фаолият олиб борадиган талай муассасалар ёпилди, уларнинг сони қисқартирилди, давлат тиббиёт муассасаларида ишлайдиган тиббиёт ходимларининг маошлари деярли "музлатиб" қўйилди.

Ана шундай мураккаб даврда Ўзбекистон Президенти узоқни кўра оладиган доно сиёсий етакчи сифатида, умуман, бошқача йўл тутди. Мамлакатимизда, энг аввало, бирламчи тиббий муассасалар изчил равишда мақбуллаштирилди, чекка ҳудудлардаги беморларнинг республикадаги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари хизматидан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратилди. Давлат бюджетидан тиббиётга сарфланадиган харажатлар миқдори бир неча бор кўпайтирилди. Тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш, уларни энг илғор тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишлари сезиларли равишда оширилди.

Айниқса, соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда обрўсини ошириш, шаънини ҳимоялаш борасидаги ишлар, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга бўлган эътибор, уларни ривожланган мамлакатларга юбориб, малакасини ошириш ишларининг ташкил этилгани бугун ўзининг натижасини кўрсатмоқда. Охирги вақтларда матбуотда баъзи мамлакатларда тиббиёт ходимларининг пандемия шароитида ўз хавфсизлигини ўйлаб, ишдан бўшаб кетиш ҳолатлари ҳақида хабарлар тарқалмоқда. Шукрки, бизда бундай ҳолатлар кузатилмади.

Бугунги мураккаб даврда давлатимиз раҳбари ўзининг давлат бошқаруви жараёнлари борасидаги чуқур амалий ва назарий билимларини, етакчилик маҳоратини, мавжуд ресурслардан самарали фойдалана олиш қобилиятини намоён этиб, ҳозирданоқ мамлакатимизни эртаиндин, коронавирус пандемиясини енгиб, фаол ривожлантириш учун долзарб бўлган янги кун тартибини шакллантирмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳозир илгари сурилаётган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада мустаҳкамлашга, иқтисодиётнинг агросаноат секторини барқарор ривожлантиришга, уни таркибий жиҳатдан диверсификация қилишга қаратилган ташаббуслар қанчалик муҳим эканлигини алоҳида қайд этишни истардим. Бошқача айтганда, мамлакатимиз Президенти бугуннинг ўзидаёқ қишлоқ хўжалигини инновацияларга бой, ресурсларни тежашга қаратилган тараққиёт йўлига олиб чиқиш, дунёда юзага келиши мумкин бўлган озиқ-овқат инқирози таҳдидларига қарши туриш ва унинг энг даҳшатли шакли — миллионлаб инсонларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўладиган очарчилик юзага келишининг олдини олишга қодир бўлган, ривожланган миллий ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш масалалари хусусида тиним билмай иш олиб бормоқда. Айниқса, аҳолининг ўзига берилган томорқа ер участкаларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш масалалари мамлакатимиз Президентининг доимий диққат-эътиборида турибди.

Мамлакатимиз парламенти давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларни амалга ошириш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, ўтган сўнгги кунларда парламентимизда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга доир тизимли чора-тадбирларни бажаришга қаратилган махсус дастур қабул қилинди. Депутатлар гуруҳи томонидан деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қуйи палата томонидан куни кеча қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Ўйлайманки, томорқа ерларидан самарали фойдаланишни таъминлашга доир ташаббусларнинг туб моҳияти ва истиқболларини ҳар томонлама англаб етишимиз учун ҳаммамиздан ҳамда муайян вақт талаб этилади. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, деҳқон хўжаликларига ва томорқа ер участкаларидан фойдаланувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик замирида қишлоқ жойларда яшовчи оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган олижаноб мақсад ўрин олган. Зеро, аҳолининг шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларининг асосий хусусияти уларни шакллантиришнинг оилавий хусусиятга эгалиги билан белгиланади. Улар оилалар негизида ташкил этилади ва фаолият кўрсатади. Давлатимиз томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни қўллаб-қувватлаш орқали амалда оила институтини қўллаб-қувватлашнинг яна бир қўшимча шаклини жорий этмоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, қишлоқ жойлардаги аҳоли даромадларининг даражасига, оилавий уй хўжалигини мустаҳкамлашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Мамлакатимиз парламенти юзага келган вазиятнинг доимий мониторинги ва таҳлилини амалга оширмоқда. Аҳоли билан олиб борилаётган доимий мулоқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги мураккаб вазиятда жамиятимизда барқарор амалий ҳамжиҳатлик ва Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш йўлларини қўллаб-қувватлаш кайфияти ҳукм сурмоқда. Халқимиз давлат институтлари фаолияти замирида халқ манфаатларига хизмат қилишдек юксак мақсад ётганини англаган ҳолда, уларга тўлиқ ишонч билдирмоқда. Яқин истиқболдаги келажак мамлакатимиз танлаган йўл ва сиёсий етакчимизнинг ўз халқига садоқат билан хизмат қилишга қаратилган йўли тўғри эканига ишонч ҳосил қилишимиз учун сабаб бўладиган яна кўплаб воқеликларни бизга инъом этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта долзарб масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Жамоатчилик палатасига кўриб чиқиш учун юборилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 17 апрель, 61-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ПАЛАТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Қуйидагилар Жамоатчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий шаклдаги тизимли ҳамда самарали мулоқотини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг ижтимоий манфаатлари келишилишини таъминлаш;

фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштиришга ҳамда давлат-хусусий шериклигининг замонавий механизмларини жорий этишга кўмаклашиш;

аҳоли фикрини тизимли ўрганиб бориш, жойларда ва соҳаларда аҳолини, фуқаролик жамияти институтларини ҳамда жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, уларнинг ечими бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси палаталарига ва Ҳукуматга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиб бориш;

илмий-эксперт гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан ташаббус кўрсатиш, бу борадаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражаси, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида йиллик миллий маърузаларни тайёрлаш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти институтларининг амалий ва самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишга кўмаклашиш ҳамда мазкур масала бўйича жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини кучайтириш, уларга услубий ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш;

норма ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилашга кўмаклашиш, жумладан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта долзарб масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, уларни жамоатчилик билан маслаҳатлашув ва эшитувлари асосида такомиллаштиришга кўмаклашиш;

фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерларни сўз эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини амалга ошириш, ахборот эркинлиги кафолатларини таъминлаш бўйича муҳокамаларга жалб этиш ҳамда мазкур масалаларга оид амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш, "жамоатчилик эшитуви", "жамоатчилик экспертизаси", "жамоатчилик мониторинги" каби таъсирчан замонавий назорат шаклларини амалда жорий этиш;

ислоҳотлар ва давлат дастурларининг жойларда ва соҳаларда амалга оширилиши устидан жамоатчилик мониторингини ташкиллаштириш, уларни сифатли бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, эришилган кўрсаткичлар, ижобий ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси палаталари ва Ҳукуматга мунтазам киритиб бориш;

"халқ дипломатияси" институтини ривожлантириш, жумладан, мамлакат ташқи сиёсатининг устувор вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, унинг нуфузли халқаро рейтингларда эгаллаган ўрнини яхшилашда фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳамда хориждаги ватандошлар билан яқиндан алоқалар ўрнатиш, нодавлат нотижорат ташкилотларига халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари доимий фаолият юритувчи **маслаҳат-кенгаш органлари** ҳисобланади;

б) **Жамоатчилик палатаси жамоатчилик асосида ишлайдиган 50 нафар аъзодан иборат бўлиб, унинг таркиби** қуйидаги тартибда шакллантирилади:

Жамоатчилик палатасининг **18 нафар** аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жамият ривожи, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон илм-фани, спорти, маданияти ва иқтисодиёти ривожи, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга катта ҳисса қўшган, эл-юрт иззат-ҳурматига сазовор бўлган фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари орасидан тайинланади;

Жамоатчилик палатасининг **18 нафар** аъзоси республика миқёсида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари (Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиаллари бундан мустасно), оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари тақдим этган номзодлар орасидан танлов асосида Жамоатчилик палатаси қарорига асосан аъзо этиб қабул қилинади;

Жамоатчилик палатасининг **14 нафар** аъзоси ҳудудий жамоатчилик палаталари вакиллари бўлиб, улар лавозими бўйича ҳудудий жамоатчилик палаталари раислари ҳисобланади;

в) ҳудудий жамоатчилик палатаси жамоатчилик асосида ишлайдиган **21 нафар аъзодан иборат** бўлади;

г) ҳудудий жамоатчилик палаталари таркиби жамоатчилик форумларида тавсия этилган ҳудудларда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари (Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиаллари бундан мустасно), илмий доиралар, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакилларидан шакллантирилади;

д) Жамоатчилик палатасининг ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг биринчи умумий йиғилишларида:

уларнинг фаолиятларини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади;

уларнинг комиссиялари шакллантирилади ва раҳбарлари сайланади;

Жамоатчилик палатаси раиси — Жамоатчилик палатаси Кенгаши раиси ва унинг учта ўринбосари, жумладан, битта биринчи ўринбосари — Жамоатчилик палатаси аппарати раҳбари, шунингдек, ҳудудий жамоатчилик палаталарининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари сайланади;

Жамоатчилик палатасининг ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг фаолиятларини самарали ташкил этиш мақсадида уларнинг бошқарув органлари — **Жамоатчилик палатаси Кенгаши** ва **ҳудудий жамоатчилик палаталарининг кенгашлари** тузилади. Жамоатчилик палатаси Кенгашининг ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг кенгашлари таркибига тегишлича Жамоатчилик палатаси раиси ва унинг ўринбосарлари, ҳудудий жамоатчилик палаталари раислари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда комиссиялар раҳбарлари киради;

е) Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари аъзоларининг **ваколат муддати** Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг биринчи умумий йиғилишлари ўтказилган кундан бошлаб, **3 йил** этиб белгиланади.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик палаталарининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

Жамоатчилик палатасининг фаолияти унинг **ижро органи — юридик шахс ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси аппарати** (кейинги ўринларда — Аппарат) томонидан таъминланади;

Аппарат **Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи давлат тилида** ёзилган муҳрига, бланкига, мустақил балансига, Молия вазирлигида шахсий ғазна ҳисоб варақларига, тижорат банкларида хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлади;

ҳудудий жамоатчилик палаталари аппаратлари Аппаратнинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бўлинмалар) ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) таъсисчилари, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ҳамда кенг жамоатчиликнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Жамоатчилик палатаси ташкил этилганлиги муносабати билан ҳамда унинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид ваколатлари бошқа орган ва жамоатчилик тузилмалари вазифалари билан такрорланишининг олдини олиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ва Марказни** тугатиш;

Аппарат штат бирликларини ва моддий-техника базасини тугатилаётган **Марказ ҳисобидан шакллантириш;**

ҳудудий бўлинмалар штат бирликларини тугатилаётган **Марказ ҳудудий бўлинмалари штат бирликлари ҳисобидан шакллантириш.**

7. Белгилаб қўйилсинки:

Жамоатчилик палатаси раиси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари раислари **жамоатчилик асосида фаолият юритади;**

Жамоатчилик палатаси раиси мақоми ҳамда транспорт ва тиббий таъминотига кўра, вазирга тенглаштирилади;

Жамоатчилик палатаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминотига кўра, тегишлича вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Аппарат ходимлари — вазирликлар марказий аппарати, Аппаратнинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари эса — вазирликларнинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига тенглаштирилади;

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра, Аппарат ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг лавозим маошларини белгилашда тариф коэффициентлари икки баравар оширилган миқдорда қўлланилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракатининг **"Mening fikrim" веб-порталини** Жамоатчилик палатаси тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Қуйидагилар Аппарат фаолиятини молиялаштиришнинг манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

халқаро молия ва бошқа институтлар, чет эл ташкилотлари грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларида Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари томонидан **жамоатчилик учун долзарб бўлган масалалар юзасидан ўтказилган ўрганиш ва таҳлил натижаларини ҳар чоракда** кўриб чиқиш амалиёти жорий этилади;

Жамоатчилик палатаси **ҳар йили** Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига **фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида йиллик миллий маърузаларни тақдим этади;**

Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари аъзолари ҳар бир давлат органининг очиқ ҳайъат мажлисида, **шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида, "Ҳукумат соати"да, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашлари** мажлисларида иштирок этишга ҳақли;

Ўзбекистон Республикаси **Конституциясига** ўзгартириш ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта долзарб масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Жамоатчилик палатасига кўриб чиқиш учун юборилади;

Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг **қарорлари** давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа тузилмалар учун **тавсиявий хусусиятга эга;**

Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари давлат органлари ва ташкилотларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан **Жамоатчилик палатаси сўровини** юбориш ҳуқуқига эга. Бунда давлат органлари ва ташкилотлари сўровга жавобни, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, у олинган кундан эътиборан **ўн кундан кечиктирмай юбориши лозим;**

Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари ҳар бир давлат органи, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги **жамоатчилик кенгашлари** (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари бундан мустасно) **таркибларини шакллантиришда иштирок этади;**

давлат ҳокимияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини нодавлат нотижорат ташкилотларининг мустақиллиги ва улар фаолиятига аралашмаслик принципларига қатъий риоя қилган ҳолда **Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга ошириши;**

давлат органлари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари ишининг ташкил этилиши ва амалга оширилишида зарур шарт-шароитлар яратади ва ҳар томонлама кўмаклашади.

11. Жамоатчилик палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда кенг жамоатчилик фикрини ва илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи **"Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси тўғрисида"**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Жамоатчилик палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари;

Жамоатчилик палатасининг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ, мажбуриятлари ва функциялари;

Жамоатчилик палатаси таркибини шакллантириш тартиби;

Жамоатчилик палатаси аъзоси мақоми, фаолияти кафолатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, улар ваколатини тўхтатиш ва тугатиш тартиби;

масаласи бўйича Жамоатчилик палатаси билан келишилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қатъий турлари;

Жамоатчилик палатасининг давлат органлари ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги;

Жамоатчилик палатаси фаолиятини молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш тартиби.

12. Аппарат:

Молия, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Бош прокуратураси, Олий суди, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистика ахбороти;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг таҳлилий материаллари мажбурий юбориладиган реестрга киритилсин.

13. Аппаратга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари мутахассисларини, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари ходимларини, шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимлар ва мутахассисларни шартнома асосида тадқиқотлар олиб боришга жалб қилиш;

тадқиқотлар олиб бориш ва кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро ташкилотлар, жамғармалар, маҳаллий ва хорижий тадқиқот марказлари ва ўқув муассасалари билан шартномалар тузиш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш, ахборот-таҳлилий шарҳлар ва маърузалар, "Фуқаролик жамияти" журнали, "Жамият" газетаси ва бошқа нашрларни чоп этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлардан зарур статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш.

14. Аппарат Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1А-уй манзилида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Аппаратга 4 та автомобиль таъминоти учун лимит ажратсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) ҳудудий бўлинмаларнинг тугатилаётган Марказнинг ҳудудий бўлинмалари эгаллаб турган биноларидан беғараз фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолишини таъминласин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан:

ҳудудий жамоатчилик палаталарининг ўз вазифа ва функцияларини самарали бажариши учун зарур моддий-техник шароитлар яратиб берсин;

ҳудудий жамоатчилик палаталарининг буюртманомалари асосида бино ва хоналарни капитал ва жорий таъмирлаш, уларни замонавий ташкилий техника, мебель ва зарур алоқа воситаси турлари билан жиҳозлаш бўйича ишларни ташкил этсин.

16. Жамоатчилик палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

Аппарат тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 16 апрель

Озиқ-овқат саноати

ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШЛАР БЎЛМАЙДИ

Баҳром ИНОҚОВ,
"Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Бугунги кунда мамлакатимизда 12 мингдан ортиқ мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишловчи, қандолат, алкоголсиз ичимликлар ва ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ҳамда бошқа турдаги озиқ-овқат саноатига ихтисослашган корхоналар фаолият олиб бормоқда. Улардаги қувватлар аҳолининг саноат усулида тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш салоҳиятига эга.

Айни карантин даврида ҳам ишлаб чиқариш жараёни бир маромда, кундалик иш ҳажмида давом этмоқда. Корхоналарнинг аксариятида талабга қараб, қувватларнинг 70 фоизидан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, қўшимча 30 фоиз қувватни ишга солиш имконияти ҳам мавжуд.

Юртимизда 98 фоиз озиқ-овқат маҳсулотлари маҳаллийлаштирилган. Деярли барча хомашё ўзимизда етиштирилади. Бу бизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги энг катта ютуғимиз. Фақат баъзи турдаги хомашёлар четдан импорт қилинади. Улар ҳам карантин бўлишига қарамай, ўз вақтида келиб турибди. Омборларда захираларимиз мавжуд. Буларнинг бари ишлаб чиқариш корхоналарида хомашё таъминотида узилишлар бўлмаслигини таъминлайди.

Шу боис, озиқ-овқат маҳсулотлари узлуксизлигини таъминлаш борасида ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқлигини ишонч билан айта оламиз. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 9 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида озиқ-овқат саноати йўналишида 568,8 миллион долларлик 49 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Улар доирасида 223 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган. Айни пайтда 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига қўшимча равишда озиқ-овқат саноати соҳасида умумий қиймати 5,83 триллион сўм бўлган 529 та янги лойиҳа устида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз 14 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида бу йил қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси вакиллари учун катта синов ва кенг имкониятлар йили бўлишини таъкидлаб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни белгилаб берди. Биз ҳам деҳқонларимиз билан камарбастамиз. Улар етиштирган сара маҳсулотларни қайта ишлаб, халқимиз дастурхонига етказиб бериш учун яратилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ШАРҚШУНОСЛИК СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Шарқшунослик соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ комплекс билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, илм-фанни жадал ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти, педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, талаба-ёшларни шарқона қадриятлар асосида тарбиялашни такомиллаштириш мақсадида:

1. Тошкент давлат шарқшунослик институти негизида **Тошкент давлат шарқшунослик университети** (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этилсин.

2. **Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

Шарқ мамлакатларининг тиллари, тарихи, маданияти, моддий ва маънавий мероси, иқтисодиёти, сиёсати, халқаро майдондаги нуфузи, уларнинг замонавий антропология ва этнологияси, таржимашунослик, шунингдек, туризм ва гид ҳамроҳлиги соҳаларида замонавий билимларни мукаммал эгаллаган, меҳнат бозори учун рақобатбардош бўлган кадрларни тайёрлаш;

Шарқ мамлакатларининг ривожланиш омиллари, улардаги замонавий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар, шарқ маданияти ва мероси, қадимий ёдгорлик ва қўлёзмаларни илмий жиҳатдан ўрганиш, мазкур йўналишда илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

республикада шарқ тиллари ва адабиёти, тарихи, маданияти, фалсафаси, сиёсати ва иқтисодиётини ўқитиш бўйича таянч олий таълим муассасаси сифатида хорижий мамлакатларнинг тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда шарқ тилларини билиш даражасини баҳоловчи методикаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, тил таълими соҳасида ҳамда Шарқ мамлакатлари бўйича ахборот берувчи замонавий медиа маҳсулотлар ва электрон ўқув адабиётларни ишлаб чиқиш;

Шарқ мамлакатларидаги замонавий тенденциялар, тарихий жараёнлар, шарқ халқларининг маданий алоқалари ва меросини тадқиқ қилиш, таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ҳамда мазкур соҳада илмий-оммабоп адабиётлар, дарслик ва монографиялар чоп этиш;

талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчиларда Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, таълим-тарбия жараёнлари ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириб бориш;

шарқшунослик ва шарқ маданий мероси соҳаларида профессор-ўқитувчиларнинг республика ҳамда хорижий мамлакатларда стажировка ўташ ва уларнинг малакасини ошириш ишларини мунтазам ташкил этиш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда республика учун истиқболли бўлган янги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш ҳамда халқаро лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, **2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:**

Университетга **таълим стандартларини** ишлаб чиқиш, **малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурларини,** шунингдек, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда **талабаларнинг билимини баҳолаш ҳамда ўқув жараёнининг амалиёт билан интеграциялашувини таъминлаш тизимини** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳуқуқи берилади;

Университетда таълим жараёни босқичма-босқич **кредит-модуль тизими асосида амалга оширилади;**

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг **ўқув режалари ва фан дастурлари Университет томонидан хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда мустақил тасдиқланади;**

Университетда **шарқ тиллари ўқитиладиган таълим муассасалари ўқитувчилари учун доимий фаолият юритувчи қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари** ташкил этилади ҳамда курслардан муваффақиятли ўтган педагог кадрларга **белгиланган намунадаги сертификат берилади.**

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг:

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Университетга ўқишга қабул қилишда шарқ тилларидан (турк, араб, форс, дари, ҳинд, урду, хитой, корейс, уйғур, япон тиллари) **топириладиган кўп балли тизим бўйича имтиҳонлар ўрнига тест синовлари ўтказилишини йўлга қўйиш;**

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ушбу тажрибани бошқа тиллар (испан, итальян, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тиллари ва бошқалар) бўйича **республикадаги барча давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда жорий этиш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда тест синовлари базасини ва керакли инфратузилмани ўз муддатида ва сифатли шакллантириш чора-тадбирларини кўрсин.

5. Университет, ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётганини ҳисобга олиб, **2020/2021 ўқув йилидан** бошлаб:

профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламасини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқсин ҳамда уларнинг иш фаолиятини дарсларга сифатли тайёргарлик кўришга ва илмий салоҳиятини кучайтиришга қаратсин;

илмий лойиҳаларни бажариш жараёнига **иқтидорли талабалар, магистрантлар ва докторантларни жалб қилишни кенгайтирсин;**

иқтидорли талабалар, магистрантлар ва докторантларнинг **илмий, инновацион ва стартап лойиҳаларини танлов асосида молиялаштириш чораларини кўрсин;**

факультетлар таркиби ва кафедралар йўналишларини кўриб чиқсин ҳамда уларнинг фаолиятини етакчи хорижий олий таълим муассасалари тажрибаси асосида **қайта ташкил этсин;**

таълим сифатини ошириш, ўқув ва илмий фаолиятни илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш мақсадида нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирокида **онлайн курслар, маърузалар ва маҳорат дарсларини мунтазам ташкил этсин;**

профессор-ўқитувчилар ва масъул ходимлар учун, зарурат туғилганда, тажрибали маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида кредит-модуль тизимига ўтиш бўйича **семинар-тренинглар туркумини ташкил қилсин;**

нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда салмоқли илмий нашрлар эълон қилган, "устоз-шогирд" тамойили асосида иқтидорли талабалар, магистрантлар, докторантлар ёки ёш профессор-ўқитувчилар билан ҳаммуаллифликда юқори импакт-факторли халқаро журналларда илмий мақолалар чоп этган **профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш тизимини жорий этсин.**

6. Қуйидагилар:

а) **2020-2023 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик университетини комплекс ривожлантириш дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда, шу жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

ўқув режаларида амалий ва сайёр машғулотларни ўтказишни кенгайтириш, талабаларда амалий компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган фанларга ажратилган **соатлар улушини ошириш;**

таълим мазмунини креатив фикрлаш, инновацион ғоя ва ишланмаларни шакллантиришга хизмат қилувчи **таълим технологиялари билан бойитиш;**

илғор хорижий тажриба асосида бошқарув ходимлари ва профессор-ўқитувчилар фаолиятини **комплекс баҳолаш индикаторлари асосида моддий рағбатлантириш** тизимини яратиш;

Университет салоҳиятини босқичма-босқич ошириш мақсадида Университет **докторантурасига қабул квотасини кўпайтириш, янги ихтисосликлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни** ташкил этиш;

профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, талабалар учун бадиий, илмий ва ўқув адабиётлари электрон каталоглари ҳамда жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, **Университетнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини** таъминлаш;

б) 2023 йилгача Тошкент давлат шарқшунослик университетини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) (кейинги ўринларда — мақсадли кўрсаткичлар) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020 йил 1 июлга қадар Университет ҳузуридаги академик лицей фаолиятини танқидий ўрганиб, унинг фаолиятини такомиллаштириш, қабул жараёнига қўйилган талабларни қайта кўриб чиқишни ўз ичига олган чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин;

чора-тадбирлар дастурида академик лицейга ўқувчилар хорижий тилни билиш даражасига қараб қабул қилинишини ҳамда Университет кафедра мудирлари ва етакчи олимларининг академик лицей ўқув гуруҳларига бириктирилишини назарда тутсин.

8. Шарқ тиллари соҳасида ўрта бўғин профессионал кадрларни тайёрлаш, шунингдек, истеъдодли ёшлар селекциясини амалга ошириш мақсадида Наманган ва Хива шаҳарларида шарқ тиллари бўйича техникумлар ташкил этилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 августга қадар Наманган ва Хива шаҳарларида ташкил этилаётган шарқ тиллари бўйича техникумларни шарқ тилларини ўқитишга мослаштириш, уларни малакали педагог кадрлар билан тўлдириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, битирувчиларга қўйиладиган малака талаблари, ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

9. Таълим сифатини ошириш, кадрлар тайёрлашда инновацион усулларни жорий этиш мақсадида Университет тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган:

шарқ тиллари бўйича малакали таржимонларни замонавий усуллар асосида амалиёт билан уйғунликда тайёрлашга қаратилган **Синхрон таржима лабораторияси;**

талабаларда мустақил таълим компетенцияларини ҳамда шарқ тиллари бўйича электрон таълим ресурсларини шакллантиришга хизмат қиладиган замонавий техник воситалар билан жиҳозланган **Мультимедиа маркази ташкил этилсин.**

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Маданият вазирлигининг Университет ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот маркази** ҳамда **Шарқ мамлакатларининг ривожланишини тадқиқ этиш илмий-таҳлил марказини** (кейинги ўринларда — марказлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Қуйидагилар:

шарқ халқларининг маданияти, шарқ тилларидаги адабий, тарихий, фалсафий манбаларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда юртимиз қадриятлари ва миллий маданий меросимизни дунё миқёсида тарғиб этиш **Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот марказининг;**

Шарқ мамлакатлари тарихи, ривожланиш босқичлари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёти хусусиятлари ва ривожланиш моделларини комплекс тадқиқ этиш, Ўзбекистон Республикасининг Шарқ давлатлари билан ўзаро муносабатларини ривожлантириш нуқтаи назаридан ўрганиш **Шарқ мамлакатларининг ривожланишини тадқиқ этиш илмий-таҳлил марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, илмий-техник дастурларга ажратилган бюджет маблағлари, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар марказлар фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

ёзма ёдгорликлар бўйича мақсадли илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма манбаларнинг факсимиле, фото, сканер нусхалари билан Университетни бепул таъминлаш;

Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари ва музейлари ҳузурида **Университетнинг адабий ва тарихий манбашунослик йўналишларида кадрлар тайёрловчи кафедраларининг филиалларини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Фанлар академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ҳар йилги илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантиришда уларда **шарқшунослик соҳаси бўйича мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари амалга оширилишини** назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Университет билан биргаликда:

Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Маҳмуд Замахшарий ва бошқа буюк аждодларимиз томонидан яратилган Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тили, маданияти ва тарихига оид ёзма манбаларни;

Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари **тарихи, антропологияси, тили ва адабиёти, ижтимоий-сиёсий жараёнлари, ички ва ташқи сиёсатини ўрганиш бўйича** илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Молия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Тошкент шаҳрида "Санкт-Петербург давлат университети" федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида"**ги қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигининг Университет халқаро обрўсини мустаҳкамлаш, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш, инвестицияларни жалб қилиш, илғор тажрибаларни ўқув ва илмий жараёнга татбиқ этиш мақсадида чет эллик мутахассислар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотларнинг малакали ходимлари томонидан Университетда маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги Университет буюртмаларига биноан дарс бериш, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, илмий-назарий маърузалар ўқиш учун таклиф этиладиган чет эллик профессор-ўқитувчилар, олимлар ва мутахассисларга кўп марталик кириш визаларининг берилиши ва узайтирилишини, Ўзбекистон Республикасидаги вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

17. **Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-а уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда Университетга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз ўтказиб берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2021 йил 1 августга қадар мазкур бандга мувофиқ Университетга берилган ҳудудда **Университетнинг янги 9 қаватли биноси ва спорт мажмуасини қуриш ва фойдаланишга топшириш** чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Университетнинг янги биноси ва спорт мажмуасини қуриш ҳамда жиҳозлаш учун **зарур маблағларни жалб қилсин ва ўз вақтида ажратсин;**

Ҳисоб палатаси билан биргаликда Университетнинг янги биноси ва спорт мажмуасини қуриш ҳамда жиҳозлаш учун **ажратилган маблағларнинг оқилона ва мақсадли сарфланиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин.**

19. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Эл-юрт умиди" жамғармаси Университетнинг асослантирилган таклифлари асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида профессор-ўқитувчилар, раҳбар ходимлар ва тадқиқотчиларнинг хорижда амалиёт ўташи ва стажировкасини ташкил этиш чораларини кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарор ижросини ташкил этишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов — мазкур қарорнинг ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар чорақда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидов — шарқшунослик соҳасида етарли билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, Университет фаолиятини лозим даражада ташкил этиш, шарқ тилларини билиш даражасини баҳолаш тизимини жорий қилиш, мақсадли кўрсаткичларга эришиш, Дастурни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, шарқшунослик соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш ва илмий салоҳиятни яхшилаш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимов ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д.Ҳаджаев — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, матбуот анжуманлари, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 16 апрель



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — халқаро экспертлар нигоҳида

ТУРКИЯНИНГ "YANKI" ЖУРНАЛИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ҲАҚИДА МАҚОЛА ЧОП ЭТИЛДИ

Туркиянинг "Yanki" журналида Йозгат университети сиёсатшунослик кафедраси профессори Курсад Зорлунинг Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга бағишланган таҳлилий мақоласи нашр этилди.

Мазкур материалда давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиё, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий алоқаларни сезиларли мустаҳкамлашга қўшган хизматлари, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида ва Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасида яқин ҳамкорликни тиклашдаги саъй-ҳаракатларига кенг ўрин берилган.

Мақола муаллифи мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни таҳлил қилар экан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислоҳотлар жадал суръатлар билан амалга оширилаётгани ва кенг қамровли хусусиятга эга эканини алоҳида қайд этади.

Таъкидланганидек, "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" давлат дастури ислоҳотлар изчиллигини, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалиётга татбиқ этишда муҳим қадамдир.

Халқаро экспертнинг таъкидлашича, ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган долзарб вазифаларни амалга оширишнинг амалий механизмларидан бири ҳисобланади.

Мутахассис мақолада Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг жадал ривожланишига алоҳида эътибор қаратади, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 19-20 февраль кунлари Анқарага олий даражадаги ташрифи натижаларини ижобий баҳолайди.

Шунингдек, профессор Ўзбекистон ва бошқа туркий тилли давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида жиҳатлари, мамлакатимизнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлишини туркий дунё учун тарихий воқеа сифатида баҳолайди.

Муаллиф фикрига кўра, Ўзбекистон кенгашга аъзо бўлиши билан халқаро ташкилот фаолиятида янги саҳифа очилди.

"Ўзбекистон раҳбари бошлаб берган ислоҳотлар давлатнинг жадал ривожланиши, мамлакат ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлидаги стратегик интилишлари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасидаги шерикликка ҳам ўзига хос куч бағишлади", деб ёзади Курсад Зорлу.

"Дунё" АА,
Анқара

Ҳозирги глобал инқироз ва пандемия шароитида мамлакатимизда аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлаш, иқтисодий барқарорликни сақлашда қишлоқ хўжалиги энг кўп имкониятга эга соҳа ҳисобланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 17 апрель, 61-сон

Бугуннинг гапи

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Обид ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори

Коронавирус пандемиясининг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсири турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар мутахассислари ҳисоботларида 2020 йил давомида кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида секинлашув рўй бериши прогноз қилиняпти.

Бу ҳолат, ўз навбатида, жаҳон миқёсида ишсизлик даражаси ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли сонининг ошиши каби муаммолар кескинлашишидан далолат беради. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналарининг тўхтаб туриши дунёда озиқ-овқат етишмовчилиги ва унинг хавфсизлигига доир муаммоларни янада чуқурлаштиради.

Истиқболда юзага келиши мумкин бўлган ва ижтимоий аҳамиятга молик бу масалаларни ҳал қилиш ва уларга тайёр туриш кўпгина мамлакатларнинг бугунги кундаги устувор вазифаларидан биридир. Масалан, Reuters агентлиги АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти (USDA) ҳисоботига таянган ҳолда тарқатган хабарга кўра, Хитой АҚШдан 340 минг тонна буғдой (сўнгги икки йилдаги энг катта шартнома), 756 минг тонна истеъмолга мўлжалланган жўхори (сўнгги етти йилдаги энг катта шартнома) ҳамда 110 минг тонна соя сотиб олган. Жорий йил февраль ойидаги келишувга биноан, Хитой АҚШдан 2020 йил охиригача қўшимча 76,7 ва 2021 йил давомида 123,3 миллиард долларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишни мўлжалламоқда. Бундан ташқари, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) маълумотига кўра, жорий йилнинг март ойида жаҳон бозорларидаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархи февралдагига нисбатан 4,3 фоиз пасайган.

Ҳозирги глобал инқироз ва пандемия шароитида мамлакатимизда аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлаш, иқтисодий барқарорликни сақлашда қишлоқ хўжалиги энг кўп имкониятга эга соҳа ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти раислигида 14 апрель куни қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу жиҳатлар алоҳида эътироф этилди.

Йиғилишда мева-сабзавотчилик ва чорвачилик тармоқларида маҳсулот етиштириш ҳажмини икки баробар ошириш вазифаси қўйилди. Бу мақсадга эришишда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туман, 86 та кластер ва 125 та кооператив бу борада етакчи бўлиши кераклиги таъкидланди. Ушбу вазифаларни тизимли ва самарали амалга ошириш мақсадида қуйидаги комплекс чора-тадбирлар белгиланди:

Мева-сабзавотчиликни ривожлантириш 136 минг гектардаги ҳосил бераётган, 63 минг гектардаги янги боғ ва токзорларнинг қатор оралари, 600 минг гектар такрорий экин майдонларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. 2-3 марта ҳосил олишни йўлга қўйиш баробарида фойдаланишдан чиққан 124 минг гектар ерни тўлиқ ва 155 минг гектар лалми ерни сув чиқариш орқали ўзлаштириш ҳам режалаштирилган.

Ички ишлар вазирлигига қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ автотранспорт воситаларининг карантин қоидаларига амал қилган ҳолда эркин ҳаракатланишини таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги жамғармаларига 300 миллиард сўм ажратилади.

Уруғликлар таъминотида узилишлар бўлмаслиги учун улар импортини марказлашган ҳолда ташкил этиш зарур. Ҳар йили мамлакатимизга 300 минг тоннага яқин картошка, шунингдек, 10-15 минг тонна уруғлик картошка чет элдан олиб келинади. Шу боис, Қўрғонтепа, Бахмал, Зомин, Шаҳрисабз, Китоб, Янгиқўрғон, Булунғур, Бўстонлиқ туманлари уруғлик картошка етиштиришга ихтисослаштирилиши белгиланди.

Тизимдаги яна бир муаммо **ўғит билан таъминлаш** ҳисобланади. "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти зиммасига икки ҳафта ичида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туманда ўғит дўконлари ташкил этиш вазифаси юклатилди. Ўғитлар импортига боғлиқ чекловлар жорий йил якунига қадар муддатга бекор қилинди.

Бундан ташқари, карантин даврида туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар орасида қишлоқ хўжалиги ва, умуман, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган автотранспорт, фермерлар ва ишчиларнинг барча қоидаларга амал қилган ҳолда эркин ҳаракатланиши учун шароит яратиш белгиланган.

Бўш ва лалми ерларни ўзлаштириш учун Боғдорчилик ва Узумчилик жамғармаларига 300 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратиш, бу жамғармалар ҳисобига қудуқ қазиб, ташкил этилган боғ ва токзорлар, иссиқхоналарни аҳолига 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йилгача лизинг асосида бериш, шунингдек, ўзлаштирилган ернинг ижара ҳуқуқини аниқ озиқ-овқат турини етиштириш шарти билан 5-10 йилга сотиш ва бундан тушган маблағларни янги ерларни ўзлаштиришга йўналтириш тартиби жорий этилмоқда.

Мева-сабзавот етиштириш ва сотиб олишга худди пахтачилик ва ғаллачилик соҳаларидаги каби алоҳида **молиявий ресурслар билан таъминлаш** тизимини жорий этиш белгиланди. Унга кўра, тижорат банклари кластерларга айланма маблағ учун зарур бўлган молиявий қарзлар ажратади. Улар маҳсулот етиштириш ва экспорт қилиш учун ҳосилни гаровга қўйган ҳолда қисқа муддатли (3-12 ой) кредитлар ҳам олишлари мумкин.

Бундан ташқари, тижорат банклари ликвидлиликни таъминлашга ажратилаётган ресурсларидан камида 2 триллион сўмини босқичма-босқич айланма маблағлар кредити учун йўналтиради.

Мева-сабзавот ва иссиқхона йўналишида янги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий институтларнинг 700 миллион доллар кредит линияларини жалб қилиш ва тижорат банкларининг тўхтатилаётган лойиҳалар ҳисобидан бўшаган маблағларини қишлоқ хўжалигига йўналтириш вазифаси қўйилди.

Мева-сабзавотни экспорт қилувчиларга ҳам имтиёзлар кўзда тутиляпти. Хусусан, уларнинг автотранспортда юк ташиш харажатининг 50 фоизи Экспортга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан қопланади. Бунинг учун жамғармага қўшимча 50 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Озуқа базаси чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Жорий йилда камида 70 та саноат озуқа корхонаси ишга туширилади. Уларни хомашё билан таъминлаш учун сув тежайдиган технологияларни жорий қилган ҳолда 38 минг гектар лалми ва яйлов ерларни тўлиқ ўзлаштириш белгиланди.

Қорамолчиликни ривожлантириш ва қорамоллар билан таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида 74 та оилавий кооперация фаолияти йўлга қўйилади. Ҳар бир вилоятда наслли қорамол тайёрлаш ва сотишга мўлжалланган хўжаликлар ташкил этилади.

Паррандачилик — етти хазинанинг бири. Эндиликда кооперация асосида хонадонларда парранда боқиш тажрибаси кенг жорий этилади. Бунинг учун гўшт йўналишидаги йирик паррандачилик хўжаликлари 100 хонадонга 500 бошдан уч кунлик жўжаларни тарқатиб, озуқасини етказиб беради, ветеринария хизматлари кўрсатади. Қирқ кундан кейин кооперациянинг ўзи гўштни марказлашган ҳолда сотиб олади.

Шу йўл билан ҳар бир оила қўшимча даромад манбаига эга бўлиши ва қишлоқ аҳолиси бандлигининг ошиши таъминланади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кооперацияда иштирок этган оилаларга парранда боққан даври учун Жамоат ишлари жамғармасидан қўшимча рағбатлантирувчи тўловларни амалга оширади.

Бу йил **балиқ етиштиришни** камида 350 минг тоннага етказиш, сунъий ҳавзаларда интенсив усулда меҳнат қилаётганларга субсидиялар бериш тизими йўлга қўйилади. Фойдаланиш самарадорлигига қараб, ер солиғининг табақалашган ставкалари қўлланади. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда балиқчиликка ихтисослашган намунали туман ташкил этилиб, уларда интенсив усулдаги 10-15 тадан балиқчилик хўжалиги (1 гектар майдондан ўртача 100 тонна балиқ овлаш), қайта ишлаш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит маблағлари ажратилади.

Асалчиликни ривожлантиришга эътибор қаратилар экан, бу йил ишлаб чиқариш ҳажмини 5 баробар кўпайтириш, ҳар бир туманда асаларичилик кластер корхонасини ташкил этиш, кооперация тизимини йўлга қўйиш орқали хонадонларга 20 тадан асалари уяси тарқатиш муҳимлиги таъкидланди. Бу борада ўрмон хўжаликларидаги имкониятларни тўла ишга солиш, 16,5 мингдан ортиқ янги асалари уясини парваришлаш юзасидан тавсиялар берилди.

Қишлоқ аҳолисини уй шароитида иш билан таъминлайдиган резервлардан бири — **ипакчилик соҳаси.** Жорий йилда 382 минг қути ипак қурти боқилишини инобатга олсак, бу камида 750 минг одамни иш билан банд қилиш дегани. Эндиликда вилоятларда "бир хонадонга — бир қути ипак қурти" тамойили асосида ипак қурти уруғи тарқатилиб, фермер хўжаликлари, пахта ва ғалла кластерлари ҳам ипак қурти боқишга кенг жалб этилади. Тизимни янада ривожлантириш учун тижорат банкларининг 145 миллиард сўмлик кредит линиялари очилади. Белгиланган ҳосилни олган хонадонларга Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан қўшимча рағбатлантирувчи тўловларни амалга ошириш белгиланди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда экспортни кенгайтириш имкониятини яратади. Кам таъминланган аҳоли қатлами ва вақтинчалик банд бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлашга ва қўшимча даромад манбаини оширишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлабгина қолмай, уларнинг нархини пасайтиришда ҳам муҳим омил бўлади.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

"ЖАМИЯТ ВА ОИЛАДА СОҒЛОМ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ВА ТИББИЙ МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ"

МАВЗУСИДА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН 1-ТАНЛОВНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Соғлиқни сақлаш муассасалари билан ижтимоий шерикликда юқумли касалликлар профилактикаси, аҳоли орасида COVID-19 вирусининг олдини олиш ҳамда соғлом турмуш маданиятини юксалтиришга кўмаклашиш;

2. Коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалиши, унинг асоратлари ва қайта касалланиш ҳолатларидан сақланиш, аҳоли саломатлиги ва санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш мақсадида тиббиёт муассасалари билан тарғибот ишларини олиб бориш;

3. Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, мобиль алоқа операторлари ва бошқалар билан ижтимоий шерикликда аҳоли ўртасида коронавируснинг тарқалишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни тушунтириш, профилактика қилиш усуллари бўйича тиббий-маърифий ишларни ташкил этиш;

4. Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, жавобгарлик нормалари билан аҳолини онлайн таништириш, тарқатма материаллар ишлаб чиқиш ва тарқатиш;

5. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, санитария қоидалари, гигиена нормаларига амал қилиш, санитария-гигиена тадбирларини янада кучайтириш;

6. Эълон қилинган карантин ва карантиндан кейинги даврда аҳоли билан ижтимоий-маънавий ва тиббий онлайн тарғибот ишларини олиб бориш;

7. Юқумли касалликларнинг онадан болага ўтиши, касалликни юқтирган болалар туғилишининг олдини олиш, профилактик тарғибот ишларини олиб бориш;

8. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилувчи ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш;

9. Соғлиқни сақлаш муассасалари билан ижтимоий шерикликда аҳолида юқумли касаллик юқтиришнинг олдини олиш, уларнинг хабардорлигини ошириш, профилактика чораларини кучайтириш, манзилли кўмак кўрсатиш;

10. Хотин-қизлар муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

11. Жамият негизи бўлган оила институтини, ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш;

12. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш маданияти сифатини юксалтириш ва бандлигини таъминлаш;

13. Чекка ва олис ҳудудларда аҳоли кенг қатламларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, ушбу спортни янада ривожлантириш;

14. Маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария-экологик ҳолатни яхшилаш ижтимоий чора-тадбирларини амалга ошириш;

15. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш.

Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 40 миллион сўмгача.
Ҳужжатлар **2020 йил 15 апрелдан 18 майгача** қабул қилинади.
Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юборилади муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.
Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

"ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ, "ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ"

МАВЗУСИДА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН 2-ТАНЛОВНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Жойларда бандликни таъминлашда, камбағалликни бартараф этишда, айниқса, ёшларни ва аёлларни касбга йўналтиришда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;

2. Уй хўжалиги асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини қўллаб-қувватлаш;

3. Олис, тоғли ва чегара ҳудудларида аҳолига сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг инновацион чора-тадбирларини амалиётга жорий этиш;

4. Маҳаллаларда банд бўлмаган аҳолини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг иқтисодий, молиявий ва бизнес соҳасидаги кўникмаларини юксалтириш ҳамда тадбиркорликнинг турли соҳаларига кенг жалб қилиш;

5. Маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга қаратилган маҳаллий ривожланиш дастурларини давлат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириш;

6. Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, кам таъминланган ва даромади паст аҳоли қатламини аниқлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолида тадбиркорлик руҳини кучайтириш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш;

7. Олис, тоғли ва чегара ҳудудларида мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачиликни ривожлантириш орқали камбағалликни бартараф этиш;

8. Банд бўлмаган аҳолини касбга қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни зарур касбларга ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш;

9. Олис қишлоқ ҳудудларида ННТлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш, аҳолининг бандлиги самарадорлигини ошириш;

10. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Обод марказ" ва бошқа давлат дастурларидаги вазифаларни амалга оширишда ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

11. "Ҳар бир оила тадбиркор" Давлат дастури доирасида аҳолини, айниқса, аёллар ва ёшларни касбга йўналтириш, тадбиркорликка жалб қилиш, имтиёзли кредитлар билан таъминлашда ННТларнинг тижорат банклари билан ижтимоий шериклигини кучайтириш;

12. Ёлғиз ва кўп болали оилалар фарзандларини, ишсиз ёшларни қўшимча касбларга (тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар) ўргатиш курсларини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

13. Маҳаллий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали маҳаллаларда ижтимоий корхоналарни ташкил этиш ҳамда меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳоли қатламининг бандлигини таъминлаш;

14. Ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун маҳаллаларда йирик тадбиркорлик субъектлари билан касаначилик асосида масофадан туриб ишлаш ("фрилансинг") имкониятларини оммалаштириш;

15. Кам таъминланган ва даромади паст аҳоли қатламини аниқлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш;

16. Давлат дастури ижроси устидан жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилиш;

17. "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" давлат дастури ижросининг аниқ натижаларини, ислоҳотлар жараёнларини хорижий ва маҳаллий ОАВда кенг ёритиш.

Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 40 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар **2020 йил 15 апрелдан 18 майгача** қабул қилинади.

Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юборилади муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Жадидлар ўзбек тилининг адабий меъёрларини ишлаб чиқиш, ўз қонун-қоидаларига эга бўлган миллий тилимизнинг ўзига хос, бетакрор хусусиятларини тадқиқ қилиш борасида жиддий фаолият юритганлар. Улар миллатнинг миллат сифатида шаклланиши, танилишида қонун-қоидаларга солинган, муайян меъёрга келтирилган адабий тил зарурлигини англаб етганлар.

Тил – миллий ғуруримиз

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ АСОСЧИЛАРИ

А. ҚИРҒИЗБОЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири, сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор

И. АЗИМОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Ўтган асрнинг 30-йиллари СССР деб аталмиш империяда бошланган қатағон ўзбек миллатининг энг сара фидойиларини ўз домига тортиб кетди. Машъум офат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари қатори тил ва адабиётимизнинг иқтидорли намояндаларини ҳам четлаб ўтмади, уларнинг "халқ душмани", "жадид миллатчилари" тамғалари остида қатағон қилингани тарих саҳифаларида ўз аксини топган.

Жадидлар номи билан тарихда қолган ватан фидойилари жонларини гаровга қўйиб, миллат тақдири, келажаги учун жанг майдонига кирдилар. Бунинг учун, аввало, пароканда халқни бир ғояга бирлаштириш, ҳуқуқий онгини ўстириш зарурлигини англаб етдилар. Бу буюк ишларни амалга оширишнинг бирдан-бир йўли халқни маърифат билан қуроллантириш эди.

Мана шундай эзгу мақсадларни ўзларига шиор қилган жадидлар янги усулдаги мактаблар очиш, газета-журналлар ташкил қилиш, театрлар фаолиятини йўлга қўйишга бел боғладилар. Албатта, бу курашлар осонлик билан кечмади. Ана шу даврда миллий алифбомиз, адабий тилимиз меъёрларини ишлаб чиққан жадид боболаримиз фаолияти, уларнинг илмий мероси ҳамон етарлича ўрганилгани йўқ. Мунавваркори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Ашурали Зоҳирий, Элбек сингари саноқлигина жадидлар фаолияти тўлиқ бўлмаса-да, тадқиқ қилингани ҳолда ҳали Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимий, Ғози Олим, Шорасул Зунун, Боту, Маннон Рамз, Отажон Ҳошим, Абдулла Алавий, Вадуд Маҳмуд, Санжар Сиддиқ, Абдулла Йўлдош, Ёқуб Омон каби кўплаб жадидларнинг фаолияти давлат архивида ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Шунинг учун адабий тил тарихига оид илмий адабиётларда ҳам, олий таълим дарсликларида ҳам ўтган аср бошлари ўзбек тилшунослиги хусусида гап кетганда вақтли матбуот ва чор Россиясига қарши курашда маҳаллий ишчилар синфининг пайдо бўлиши, октябрь инқилобидан кейинги ўзбек тилининг ривожи каби умумий гаплар билан чекланилган. Ҳатто ўзбек адабий тили тарихининг бу даври, жадид тилшунослари фаолияти ҳақида мустақилликдан кейин нашр этилган адабиётларда, айниқса, ўқув адабиётларида ҳалигача маълумотлар йўқ. Ваҳоланки, ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрлашувида ушбу давр жуда катта ўрин тутади.

Мазкур адабиётларда бу даврда ўзбек тили кўпроқ русча-интернационал сўзлар ҳисобига бойиб боргани, адабий тил ривожига Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби адиблар катта ҳисса қўшгани ҳақида гапирилади. Эътибор қилинг: *"Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши турли хил иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Россиянинг чекка ўлкаларида адабий ва маданий ҳаракатчилик исломни реформа қилиш, уни буржуазия талабларига кўра, модернизациялаштириш йўли билан олиб борилди".*

"Кўпчилик туркий халқларда бўлганидек, ўзбек халқи ўртасида ҳам умуммиллий тилни яратиш масаласи кенг тарқалди. Натижада барча туркий халқларда бу масалада икки хил қараш майдонга келди. Булардан биринчиси Исмоил Гаспиринский ва Васлий каби шахслар ташаббуси билан юзага келган пантуркистик ва панисламистик назариялар бўлса, иккинчиси миллий тилни ўз она тили заминида яратиш тарафдорлари бўлган демократик маърифатпарварларнинг қарашидир".

Жадидлар ўзбек тилининг адабий меъёрларини ишлаб чиқиш, ўз қонун-қоидаларига эга бўлган миллий тилимизнинг ўзига хос, бетакрор хусусиятларини тадқиқ қилиш борасида жиддий фаолият юритганлар. Улар миллатнинг миллат сифатида шаклланиши, танилишида маълум қонун-қоидаларга солинган, муайян меъёрга келтирилган адабий тил зарурлигини англаб етганлар. Бу ҳақда Элбек бундай ёзади: *"Тил очундаги бўлғон ҳар турли эпларнинг ҳар бири учун Тангри томонидан юборилғон бир қуролдир. Очундаги бутун эпларнинг соғ яшамоғи ёлғуз шу тилнинг қўлагасидагинадур. Негаким, Ер юзида яшағон ҳар бир тил ўз тили орқасидағина донғин чиқармоқда ва юксалмоқдадур. Бунинг тескарисин туткан эллар юксалмаклари турсун ўзларин ҳам йўқота ёзмоқда ва йўқотмишлар".*

Бу жараёнларда Фитрат бошчилигидаги "Чиғатой гурунги"нинг фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар томонидан ёзувни ислоҳ қилиш, ўзбек тилидаги товушлар миқдори, адабий тил қонун-қоидалари ишлаб чиқилди. Тинмай изланишлар, курашлар, ўзаро тортишувлар натижасида 1921 йил 1-5 январда Тошкентда биринчи ўлка ўзбек тили ва имлоси қурултойи бўлиб ўтади. Миллий ёзувимиз, адабий тилимиз тарихи айнан шу қурултой билан бошланади, десак тўғри бўлади. Мазкур қурултойда маъруза қилган Фитрат, Ашурали Зоҳирий ва Боту (М.Ҳодиев) амалда бўлган араб алифбосини ислоҳ қилиш, адабий тилнинг имлоси бўйича фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирдилар. Улардан сўнг сўз олган Боту эса араб ёзуви савод чиқаришда қийинчилик келтириб чиқараётгани, бу ёзувни чиқариб ташлаб, худди бошқа халқлар каби лотин ёзувига ўтиш зарурлигини таъкидлайди. Ўша даврда лотин ёзуви афзалликларини тарғиб қилувчи, араб ёзувидан тезроқ қутулиш иштиёқида бўлган алоҳида зиёлилар гуруҳи мавжуд эди. Боту айнан шундай жадидлар манфаатини ҳимоя қилиб гапирган эди. Бу лотин ёзувига қўйилган дастлабки қадам бўлди.

Аммо қурултойда кўпчиликнинг овози билан ислоҳ қилинган араб алифбоси сақлаб қолиниб, ўзбек тилининг имло қоидалари тасдиқланади ва қуйидагича қарор қабул қилинади:

1. Ислоҳ қилинган имлода ҳарф ва унли алоҳида юритилсин (яъни ҳар бир унли алоҳида ҳарф билан ифодалансин).

2. Ҳарфларимизнинг сони 23 та, унлилар сони 6 та деб белгилансин.

3. Ёзувда ҳарфнинг битта шаклидан фойдаланилсин.

4. Тилимиз орасига кириб қолган ёт сўзлар ҳам ўз ҳарфларимиз билан ёзилсин.

Жадидлар алифбони иложи борича соддалаштиришга, савод чиқариш, илм ўрганиш учун осонроқ қилишга интилдилар, араб тилига хос бўлган ҳарфларни алифбодан чиқариб ташладилар. Араб ҳарфлари 4 хил кўринишга эга бўлади, миллий алифбомизда унинг фақат бош шаклидан фойдаланишни тавсия қилдилар ва бу ҳам алифбони соддалаштиришга қаратилган муҳим қадам эди.

Мазкур қурултой ўзбек зиёлилари, қолаверса, бутун ўзбек миллати тақдирида ўчмас из қолдирди. Чунки шу кундан бошлаб муайян қонун-қоидаларга асосланган миллий адабий тилнинг ривожланиши, мавқеининг ошиб боришига кенг йўл очилди. Бу ҳақда жадид бобомиз Элбек бундай ёзган эди: *"Бу кун ўзбек эли чиндан ўзин қутқарди ва унинг эркли яшамоғига кенг бир йўл очди. Бир улуснинг дунёда борлиққа чиқара турғон нарсаси, шубҳасиз, унинг миллий нарсалари ва тили бўлғусидир. Миллий нарсаси йўқ бир эл тотли бир турмуш билан яшаёлмоғонлиғи каби тилин йўқотқон бир элда ўзни йўқотқон бўлур. Бизнинг бу қурултой ўзбек халқи учун тарихий бир қурултой бўлғони каби бунинг бошида туруб ишловчиларда тарихда буюк бир ўрун тутқусидир. Бундан сўнг ўзбек халқи ёлғуз ўзларининг йўлбошчилари бўлғон янгиликни истагучилар кетидан кетадир. Чунки булар халқчидир, ўзбекларни қоронғу ерлардан ёруқ ўрунларға олиб чиққучи бир йўлбошчидир".*

Қурултой қарори билан араб алифбоси сақланиб қолган бўлсада, араб ёзувини сақлаб қолиш тарафдорлари билан лотин ёзувига ўтишни ёқловчилар ўртасидаги баҳс-мунозара, тортишувлар тўхтамади. Бошқа туркий республикаларнинг лотин ёзувига ўтиши, араб ёзувининг савод чиқаришдаги қийинчиликлари лотин ёзувига ўтиш жараёнини тезлаштирди.

1926 йилда Боку шаҳрида туркий халқлар конференцияси бўлиб ўтади. Унда барча туркий халқлар умумий — лотин ёзувига ўтиш ҳақида қарор қабул қилади. Шундан сўнг Ўзбекистонда ҳам лотин ёзувига ўтиш бўйича ишчи комиссия тузилади. Комиссия томонидан лотин графикаси асосида тузилган янги ўзбек алифбоси ишлаб чиқилади.

Лекин янги алифбо, имлога ўтиш учун жуда катта ташкилий ишларни амалга ошириш зарур эди. Бунинг учун, биринчи навбатда, ўзбек адабий тили учун асос шева бўйича бир қарорга келиш, адабий тилдаги атамаларни илмий асосда ҳал қилиш ҳамда имло қоидаларидаги камчиликларни бартараф этиш лозим эди.

Адабий тил масаласи. Ўша давр матбуоти, таълим тизимида ҳудудий хусусиятидан келиб чиқиб, шевага хос сўзлардан, туркча, татарча, русча тил элементларидан фойдаланиш кенг авж олган эди. Бир сўз билан айтганда, муайян адабий тил меъёрларига риоя қилмаслик, бошбошдоқлик ҳукм сурарди. Шунинг учун, биринчи навбатда, адабий тил қандай белгилар асосида шаклланишини белгилаб олиш зарур бўлган. Бу ҳақда Маннон Рамз бундай ёзади: *"Бизнинг адабий тил тузулиши учун асослар қуйидагилар бўлади:*

а — ўзбек шеваларидан бирини танлаб асос қилиб олиш. У қайси шева бўлади? Шуни ҳал қилиш.

б — бошқа шеваларнинг баъзи керакли унсурларини ола бориш.

г — ўзбек тилининг Навоий, Лутфий даврдаги унсурлари, Ферузшоҳ, Камол Хоразмий, Умархон, Муқимий, Фурқат даврлари ҳам жадидчилар даврларидан тегишли унсурларни олиш.

д — манбалар: халқ адабийоти, эски адабий ўзбек тили асосида ёзилгон адабиётлар, ҳозирги шевалар ҳақида текшириш материёллари бўла олади.

ж — ўзбек адабий тили асосларини белгилашда ҳозирги (бошвоқсиз бўлса ҳам) ишланиб келаётган бирмунча расмийат олгон адабий тил асос бўлиши лозим".

Тўғри таъкидланганидек, ҳар шевалардан халқ учун тушунарли бўлган сўзларни ўзлаштирган ҳолда, таянч шева масаласини ҳал қилиш керак эди. Ашурали Зоҳирий ва бошқа кўплаб жадидлар адабий тил учун Фарғона шеваси таянч диалект бўлишини ёқлайдилар. Бу ҳақда Ашурали Зоҳирий бундай ёзади: *"Адабиётимизнинг асоси жонли тил (халқ адабийоти) бўлиши лозим, дедик. Шундоқ бўлғоч, мен Фарғона (водийси) шевасини тақдим этсам, хато қилмаган бўлурмен. Бунда "қўнғуз оппоғим", "кирпи йумшоғим дер" дегандек бўлди, мендан кулмасдан, балки сўзимни қувватлайдурғонлар кўбрак бўлур. Чунки бу кунги ўзбак адабиётининг (босма сўзининг — ёзма адабиётининг дегани) тили (ундаги баъзи бир маҳаллийчиликни эътиборга олмағонимизда) Фарғона шевасининг ўзидур. Шеванинг ўзи босма сўзни ва унинг теварагидаги омилларни табиий равишда ўзига тортқон. Энди биз унинг ичига бошвоқсизлик йоки маҳаллийчилик таъсири остида қолгон ва қоладурғон сўзлар тўғрисида бир фикрга келиб олсақ, ҳам йана тағин соддалаштириш, халққа йақинлатиш, ишчи, деҳқон оммаси ичидан олинғон сўзлар билан бойитиш чорасини кўрсак бўлади".*

Имло масаласи. Лотин ёзувига ўтилиши муносабати билан имлода мавжуд бўлган кўп муаммоларни ҳал қилиш лозим эди. Энг катта муаммо бу — барча туркий тилларда мавжуд бўлган сингармонизм масаласи. Сингармонизм (унлилар уйғунлиги) барча туркий тиллар учун хос қонуният бўлиб, ўзбек тилида ҳам бўлиши керакми, деган масала кун тартибига чиқади. Ўзбек тили турк, қозоқ, қирғиз тилларидан фарқли равишда кўп шевали тил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сингармонизмнинг ўзбек тилида мавжудлиги хусусида тилшунослар ўртасида мунозара, тортишувлар бўлиб ўтади. Ҳақиқатан ҳам, ўша даврда сингармонизм шаҳар шеваларида ўз мавқеини йўқотган бўлиб, фақат қишлоқ шеваларида сақланиб қолган эди. Е.Поливанов бошчилигидаги бир гуруҳ тилшунослар адабий тил товуш жиҳатидан Тошкент, Фарғона, Самарқанд шеваларига асосланиши керак, деган таклифни берса, Фитрат, Элбек каби жадидлар сингармонизм қонуниятини сақлаб қолган қишлоқ шевалари асос бўлиши кераклигини айтади.

Истилоҳ(атама)лар хусусида. Жадидлар Ўзбекистонда фанларнинг ривожида атамаларнинг муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор берганлар. Илмий асосланган атамаларсиз фанлар ривожлана олмаслигини тушунганлар. Шунинг учун уларни бир қоидага солишга ҳаракат қилганлар. Хориждан кириб келаётган атамаларнинг, биринчи навбатда, ўзбекча муқобилини яратиш, истеъмолда мавжуд бўлмаса, эскириб қолган сўзларга мурожаат қилиш, умуман, янги тушунчани ифодаловчи, ўзбек тилида муқобили бўлмаган хорижий атамаларни ўз ҳолида қолдириш сингари қоидалар таклиф қилинади.

Матбуотдаги ва турли йиғилишдаги мана шундай мунозаралар 4 ой давом этади. Шундай жиддий тайёргарликдан сўнг 1929 йилнинг май ойида Самарқандда Республика тил-имло конференцияси бўлиб ўтади. Конференцияда сингармонизмли қишлоқ шеваларига асосланиб тузилган лотин-ўзбек алифбоси тасдиқланади. "Сингармонизм ўзбек тилининг қўрғони" деб баҳоланди. Бу эса имлода бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқарди, имло билан талаффуз ўртасида тафовут вужудга келди. Шунинг учун ҳам имло бўйича тортишувлар тўхтамади. Натижада 1934 йилда Тошкентда алифбо ва имлога бағишланган республика қурултойи ўтказилиб, унда ўзбек адабий тилида унлилар миқдорини 9 та эмас, 6 та деб ҳисоблаш кераклиги ҳақида қарор қабул қилинади.

Шундай бўлишига қарамай, 1929 йилги конференция ўзбек тилшунослиги тарихига янги саҳифаларни олиб кирди. Конференцияда учта муҳим тарихий — "Ўзбек адабий тили тўғрисида", "Ўзбек тили имлоси тўғрисида" ҳамда "Истилоҳ (атама)лар тўғрисида" қарорлар қабул қилинади.

Албатта, жадидлар ўзбек тилининг ҳам бошқа тиллар каби буюк мутафаккир Алишер Навоий давридан шаклланиб келган ҳамда ҳамма учун тушунарли, турли шевага оид сўзлар билан тўлдирилган, сўз бойлигига эга, имло меъёрлари мукаммал ишланган, муайян меъёрга келтирилган адабий тил бўлишини орзу қилдилар ва шу йўлда жиддий фаолият кўрсатдилар. Миллат учун, миллий тил софлиги, унинг қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш йўлида жонини тиккан жадид боболаримизнинг заҳматли меҳнатлари зое кетмади. Фикрлар хилма-хиллигига қарамай, миллат тақдири учун қайғурган, керак бўлса жонини бағишлаган миллат фидойиларининг хатти-ҳаракатлари туфайли ўзбек адабий тили меъёрларига асос солинди ва у босқичма-босқич шаклланиб борди.

Навоийшунос олим Э.Фозилов ўзбек адабий тили тарихини 4 та даврга ажратади. 4-даврни "Янги ўзбек адабий тили — XX аср (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва унинг замондошлари — ўзбек адабий тилининг асосчилари)" деб номлайди. Бизнингча, "ва унинг замондошлари" сўзларининг ўрнига "жадид намояндалари" сўзларини қўйсак, тарихий ҳақиқат қарор толган бўлади. Яъни "Жадид намояндалари — ўзбек адабий тилининг асосчилари", дейишга тўла асосимиз бор.

Хулоса ўрнида қуйидаги мулоҳазани ўртага ташламоқчимиз: Ўзбекистон давлат архивида сақланаётган 1900-1940 йиллар давридаги жадидларнинг адабий тил ривожи учун олиб борган фаолияти монографик планда тўлиқ тадқиқ этилиши, кенг жамоатчиликка эълон қилиниши, ўзбек тилшунослиги тарихининг мана шу мавҳум қисми қайта тўлдирилиб, ўқув адабиётларидан ўрин олиши мақсадга мувофиқ. Шу орқали кеч бўлса-да, боболаримиз олдидаги қарзимизни адо этган бўламиз.

Обод юрт манзаралари

БУГУН ТЎРАҚЎРҒОННИ ТАНИЁЛМАЙСИЗ

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
журналист

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 2 ноябрь куни Наманган вилояти сайловчилари билан учрашувда мумтоз шоир Исҳоқхон Ибрат хотирасига замонавий боғ яратиш, ёдгорлик мажмуаси ва Ибрат мактабини ташкил қилиш таклифини билдирган эди.

2017 йил 13 апрелда эса Вазирлар Маҳкамасининг "Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида атоқли маърифатпарвар шоир Исҳоқхон Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Президентимиз ташаббуси ва мазкур қарор ижроси юзасидан амалга оширилган юксак бунёдкорлик, кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари туфайли Тўрақўрғон шаҳри бугун озод юртимизнинг таниб бўлмас даражадаги обод масканларидан бирига айланди.

— Бундан уч-тўрт йил аввал Тўрақўрғон шаҳрининг қоқ ўртасидан оқиб ўтган Косонсой сойининг икки қирғоғи ҳам кўримсиз, ташландиқ бир аҳволда эди, — дейди журналист Зоҳидахон Кенжаева.

Давлатимиз раҳбарининг "2017-2020 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори асосида Тўрақўрғон шаҳрининг "Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида дастлаб ҳар бири 24 хонадонли 8 та кўп қаватли тураржой биноси қурилди.

— Айниқса, сойнинг нариги тарафида жойлашган деҳқон бозори атрофидаги тартибсизликлар ҳар қандай кишининг кўнглини хижил қиларди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Косонсойнинг ҳар икки тарафи ҳам Тўрақўрғон шаҳрининг энг обод маскани сифатида ёшларнинг севимли сайилгоҳига айланди. "Тошкент" маҳалласидаги пана-пастқам уй-жойлар ўрнида замонавий кўп қаватли тураржой бинолари қад ростлади. Замонавий бозор қурилиб, бир қатор супермаркетлар фаолият кўрсата бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг "2017-2020 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори асосида Тўрақўрғон шаҳрининг "Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида дастлаб ҳар бири 24 хонадонли 8 та кўп қаватли тураржой биноси қурилди. Уларни "Равнақ", "Қурувчи", "Калистро", "Сардорбек Арслонбек транс", "Баркамол таъмир бутлаш" каби МЧЖлар бунёд этди. Ўтган йили мазкур ҳудудда янги кўп қаватли тураржойлар учун ер майдонлари ажратилиб, қурилиш-монтаж ишлари изчил давом эттирилгани ва айни пайтда "Тошкент" маҳалласи ҳар тарафлама обод масканлардан бирига айланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Эрта баҳорда маҳалламиз ҳудудида бир қатор ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиб, янги уйларимиз атрофига хушманзара дарахт кўчатлари ўтказилди, — дейди "Жасорат" медали соҳибаси, ҳунарманд Фотимахон Шерматова. — Яхши ниятлар билан ўтказилган дарахт кўчалари кундан-кунга барқ уриб, кўкка бўй чўзмоқда, атроф яшил либос кийди. Бироқ бутун жаҳонни ташвишга солаётган коронавирус бизларни ҳам ҳушёрликка ундамоқда. Биз янги қўни-қўшнилар, яъни 192 та бахтли оила аъзолари замонавий, барча қулайликларга эга бўлган хонадонларимизда қолиб, Президентимиз ва мутахассислар тавсияларини бажаряпмиз. Кўп қаватли уйимизнинг шундоқ ёнгинасида деҳқон бозори, озиқ-овқат дўконлари бор. Бозор расталаридаги ва савдо шохобчаларидаги маҳсулотларнинг нархи арзон ва сифатли. У ердан ҳар ким карантин қонун-қоидаларига амалга қилган ҳолда ўзига керакли бўлган кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилмоқда. Бундай синовли кунлар, албатта, ортда қолади.

"Наманган — Тошкент" автойўлидан юрган киши диққат-эътиборини кўкка бўй чўзиб турган улкан иншоот, яъни Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси биноси ўзига тортади. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган замонавий корхона айни кунларда нафақат вилоят, балки водий аҳлининг электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тўрақўрғонликларнинг аксарияти азалдан деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланиб келган. Айниқса, томорқа хўжалиги юмушларига катта эътибор қаратиб, нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатлар бозорларини ҳам турли неъматлар билан таъминлайди. Кўклам нафасидан кун сайин яшнаб бораётган атрофни кузатиб, шу оғир дамларда юзларига ниқоб тақанча карантин қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда бўғдойзорларига сув тараётган ғаллакорларга, кенг ва текис майдонларга чигит қадаётган пахтакорларга, мевали дарахтларига қалб қўрини бераётган боғбонларга таҳсинлар айтасиз. Негаки, улар эл-юрт фаровонлиги йўлида чинакамига меҳнат қилмоқда.

“Дуога, бепул ниқоб тарқатамиз”, деб эшигига катта эълонлар осиб қўйган ёки рўзғори тангроқ ҳамсоя — маҳалладошларига шу таҳликали пайтда кўча-кўйда сарсон юрмасин, рўзғор тирикчилигидан алам чекмасин дея ҳиммат, оқибат кўрсатаётган дўкондору тадбиркорларни қандай ҳис-туйғулар бошқараётган экан.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 17 апрель, 61-сон

Дилдаги гап

БИР ЁМОННИНГ БИР ЯХШИСИ ҲАМ БОР

Воқелик тақозоси билан ҳадик-хавотирдан серташвиш ўтаётган шу кунларда барчамиз тонгда кўз очгандан то тун қоронғисигача бирор ёруғ маълумот, таскин илинжида ахборот воситаларига нигоҳ қадаяпмиз. Фасли баҳорнинг айни табиат уйғониб, наботот олами гулга кирган энг гўзал палласида қалбларимиз бори дунёдан келиб турган турли хабарлардан озурда ҳолда, тафаккуримиз бўлиб турган воқеликларни тинимсиз таҳлил этиш, оила ичи ёки мобиль воситалар орқали дўст-биродарлар билан ахборот, фикр алмашиш ҳаракатларида андармон.

Айниқса, ижод аҳли бу жараённи бори миқёсида моҳияти билан, ўтмишда кечган шунга ўхшаш тарихлар билан, ўқиган турли адабиётларимиз, томоша қилган фильмларимиз билан қиёслаб, кўз ўнгимизда рўй бераётган воқеликни теранроқ англаб, ҳаётий, фалсафий мушоҳадаларга ғарқ бўлиб ўтирибмиз.

Эҳ-е, хаёл қай гўшаларга олиб қочмайди дейсиз... Фикрат эса яна ҳушёр мушоҳадаларга ундайверади...

Дунё адабиётида ва санъатида бугунгидек глобал миқёсдаги таҳликали ҳодисаларни хоҳ тарихий реал кечмишлар, хоҳ келажак фантастик оламларда рўй берадиган ҳодисалар сифатида тасаввур этиб тасвирланган юзлаб асарлар мавжуд. Одатда бундай тоифа асарлар оддий мутолаа, томоша, вақт ўлдириш эрмаги ўлароқ, хизмат қилади ва эгалари — муаллифлари, ижодкорларига яхшигина молиявий фойда ҳам келтиради. Айни йўналишдаги шундай беҳисоб китоб, киноасарлар оредаса том маънодаги юксак бадиият намуналари ҳам талайгина. Албатта, мазкур жанр — йўналишдаги юксак бадиият намуналари ўқувчининг шунчаки вақтини ўлдириб, бефарқ қолдирмайди, аксинча, оромини ўғирлаб, тинчини бузади, мувофиқ мушоҳада ва ибратли хулосаларга ундайди. Бунинг намуналари ҳақида машҳур Гомердан бошлаб, Альбер Камюгача, Абулқосим Фирдавсийдан то Чингиз Айтматов асарларигача иқтибос келтириб, соатлаб сўзлаш мумкин. Аммо мақсад бу эмас.

Мақсад шуки, тожсимон зарра (коронавирус) бутун курраи заминни забт этиб, умумжаҳоний ташвиш, тараддудларга сабаб бўлаётган экан, бундан ниҳоятда муҳим, ҳушёр хулосалар чиқариб олишимиз шарт. Бу, айниқса, ҳақиқий ижод аҳлига мурожаатан айтилаётган фикрдир. Фикрки, бу қаламу мўйқалам тутган, елкасига кинокамера ортган, саҳна пардаси олди-ортида турган ва ҳоказо, ва ҳоказо барча ижод заҳматкашларига уйғоқлик даъвати ўлароқ, мазкур воқеликни бори ҳодисоти, миқёслари билан кузатиб, ўрганиб англаб, таҳлил қилиб, тўлиқ идрок эта бориб, не бир хулосалар чиқармоқ, шу аснода кўнгилдан, хаёлдан кечганларини ўзлари ҳаёти мазмуни дея белгилаган ижод йўсинида бадиий муҳрласалар, қоғозларга, кинотасмаларга туширсалар, деган холис андишадир.

ВОҚЕАЛАР КАТТА АСАРЛАРГА ТУРТКИ БЕРАДИ

Эсласангиз, Иккинчи жаҳон урушининг фронт кундаликлари Константин Симоновнинг “Ўликлар ва тириклар” роман-эпопеясига, кинотасмаларга олинган ҳужжатли хроникалар эса Михаил Роммнинг “Оддий фашизм” деб аталган буюк киноасарига асос бўлган. Ўзбек адабиётида Ойбекнинг кундаликлари, Асқад Мухторнинг “Тундаликлар”и, Малик Қаюмовнинг ўтган аср 20-йилларидан то 80-йилларигача суратга олиб қўйган солномалари кейинчалик миллий адабиёт ва санъатимизнинг мумтоз намуналари яралишига асос — негиз бўлган.

Даъватдан муддао ҳам шуки, замонавий адабиётимиз ва санъатимизда анчадан бери излаб, изланиб, тополмай, ўзимиздан, мажбурий “ижодбозликлар”дан қониқмай юрган ҳолатимиздан чиқиш, илҳом дулдулларига майдон яратиш учун фурсат ва имкон етди. Воқелик, мана шу тарихий вазиятнинг ўзи адабиёт ва санъат учун чексиз мавзулар ва давр қаҳрамонларини ҳаёт саҳнасига чиқариб турибди. Шоир сатрини бироз таҳриллаб айтса, “мана сенга олам-олам мавзу, қаҳрамон, этагингга сиққанича ол!”.

Нафсиламрини айтсак, яқин бир неча ўн йиллардан бери адабиётимиз ва санъатимизда воқеа бўларлик буюк ижодий яратиқлар деярли бўлмади. Юзлаб катта-кичик мажлислар, конференциялар, учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирдик.

Ҳозирги замоннинг қаҳрамони ким, қай тахлит мавзулар наср, драматургия, кино, театр ва ҳоказо турли санъатларнинг қайта жонланишига туртки беради, дея ташкил этган маҳаллий ва ҳатто халқаро издиҳомларнинг саноғи йўқ. Бироқ не бир ақлли якунларга келиб, не-не ташаббуслар билан резолюциялар қабул қилмайлик, пировард натижа самарасиз, сўник бўлиб чиқаверди, адабиёт, санъат жамият машъаласи ўлароқ, нур тарата олмай, хира шуъла бериб, таг-атрофига соя мисоли алдамчи таассурот тарқатиб турди. Ваҳоланки, бу соҳалар ривожига озмунча эътибор, ҳиммат кўрсатилаётгани барчанинг кўзида.

Бироқ бир савол, ҳамма давра ва даврларда берилгувчи сўроқ — замона ойнаси — кўзгуси бўла оладиган битиклар, фильмлар, спектакллар яратилдими, яратиляптими?! Балки кимдир “бу гаплар нисбий, дид-тушунча, савия билан боғлиқ, бирор муносабатни шартта кесиб, қатъий хулоса чиқариш мумкинмас, бу сенинг қарашинг, сенинг ёндашувинг”, дея таъна қилиши, ҳатто ўзингизга айб юклаб маломат ҳам этиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳарқалай, онгли умри шу кори изтиробнинг ичида ўтаётган бир “...шунос” сифатида ўшандай андишаларга бораман. Кутубхона ёки китоб дўконлари гавжум, театр заллари, кинотеатрлар маънавий озуқа илинжида жонсарак зиёли, фикрловчи томошабин билан файзиёб бўлишини яна кўргим келади.

Ажабмаски, ҳозир бутун инсоният кечмиш кунларида юзма-юз бўлиб, қаттол бало қаршисида рўбарў турганимизда бадиий тафаккур тиқинлари очилиб кетиб, қалб изтироблари не бир тўғонларни бузиб юборса ва шу давр, шу давр инсонлари турфа қиёфасининг нуктабин кўзгуси бўладиган асарлар яратилса... Назаран, бу орзу ўлат пайтидаги базмдек (“пир во время чумы”) туюлиши мумкин. Йўқ, асло, бундай эмас. Ўлимга ҳукм қилинган Фёдор Достоевский қатл олди сониялариги бадиий тафаккур учун не-не синоатлар эшигини очиб, не туйғулар пўртанасини пайдо этишини ўз кундаликларида қайд этганидек ёки Виктор Гюгонинг “Ўлимга ҳукм этилган одамнинг сўнгги куни”, Лев Толстойнинг “Петр Ильичнинг ўлими” қиссаларида тасвирланганидек, руҳиятнинг фавқулодда жунбишга келиб, даҳоликка шаҳодат бўладиган асарлар яратилиши учун манба вазифасини ўташи — мана бадиий тафаккурнинг асрлар оша барҳаётлик белгиси, ўзига хослиги, абадияти.

Сўзларим бироз енгилроқ айтилаётгандек туюлмасин. Чини билан ҳам неча ўн йиллардан бери маёғини йўқотган овора каби сарсон ижод аҳли учун инсоний эҳтиросу ҳолат-ҳодисаларнинг бемисл кенгликлари пайдо бўлди. Не-не сюжет-тарихлар, турфа феълу атворларнинг намоён бўлиши, моҳият майдонлари очиляпти. Бугунги дунё ва бори инсоний кечмишлари, хатти-ҳаракатларини муқояса этиб, ўзимизникини, миллий қадрияту анъаналаримиз, истиқбол учун белгилаган йўл-йўриқларимизни синовдан ўтказиб олиш, идрок этиш имкони яраляпти. Булар адабиёт ва санъатимиздаги бўшлиқларни тўлдириш, янги маънавий оламларни кашф этиш, ижод аҳлининг бори вужуд билан кўксини тўлдириб нафас олиш имкониятидир.

ЧЕТДА ОДДИЙГИНА КУЗАТУВЧИ БЎЛИБ ТУРМАЙЛИК

Ҳақиқатан ҳам, ҳозир бунинг мавриди эмас. Бу хиёнат бўлади, ўзимизга, ўзлигимизга, АЛЛОҲ берган истеъдодимизга, ва ҳатто шу азиз ОНА ВАТАНга хиёнат бўлади.

Тиббиёт аҳли ўзининг, бола-чақасининг умр-жони ташвиши қолиб, жабҳага ўзини урса, соғ ҳолида касалланганлар орасига кириб, муолажа, кўмак бераман, деб турса, бу уларнинг фақатгина Гиппократ қасамига кўра садоқатимикан?! Бу ВАТАН туйғусининг, ватанпарварликнинг, ўз ватандошига жонфидоликнинг олий кўриниши эмасмикан?!

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг раҳбари сифатида фаолият бошлаши билан дастлабки учрашув, суҳбат, қарорлари, асосан, мамлакатимиздаги тиббиётнинг аҳволи, унинг ниҳоятда ғариб ҳолати, муаммо ва ечимлари масалалари билан боғлиқ бўлди. Шундай бўлиши мантиқан жуда тўғри эди. Чунки бори ислоҳотлардан мақсад инсон бўлса-ю, унинг жисмоний соғлиғи энг устувор масала бўлмаслиги мумкин эмас эди. Мана, орадан уч ярим йил вақт ўтиб, бу иш нақадар тўғри бўлганини бу кунги воқелик аён исботлаб турибди-ку.

Талабалар шаҳарчасига автоуловларини қатор териб қўйиб, мамлакатнинг тўрт томонига толиби илмларни беғараз элтаман дея хизматга шай турганларни оддий киракаш дейиш эндиликда ҳақоратдек эшитилса керак.

“Дуога, бепул ниқоб тарқатамиз”, деб эшигига катта эълонлар осиб қўйган ёки рўзғори тангроқ ҳамсоя — маҳалладошларига шу таҳликали пайтда кўча-кўйда сарсон юрмасин, рўзғор тирикчилигидан алам чекмасин дея ҳиммат, оқибат кўрсатаётган дўкондору тадбиркорларни қандай ҳис-туйғулар бошқараётган экан.

Матбуот хабарича, Қашқадарёнинг Чироқчисида умр бўйи мол-ҳол боқиб, қўйчивонлик, чўпонлик қилиб ўтган 95 ёшли бобо Ҳаж зиёрати умидида йиққан маблағига қишлоғида катта кўприк қураётган эмиш. Бу масжид, мадраса қуриб, охират савобини ўйлаган қайси бою савдогарнинг ҳимматидан кам? Балки ортиқроқ ҳамдир. Бою савдогар ҳиммат қилса, баридан бир улушини сарфлар, чўпон-чўлиқ одам бундай шаҳду шиддатга борса, борини берса керак, албатта.

Бу каби мисоллар ҳозир матбуот, ижтимоий тармоқларда дарёча бор, тинимсиз тўлиб-тошиб оқиб турибди.

БОСГАН ИЗЛАРИМИЗНИ МУШОҲАДА ҚИЛИШ ОНИ

Айни пайтда, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ўз бепарволиги ёки нодонлиги, атроф-ҳолатни, вазиятни ҳис этиб, узоқни кўролмагани ёки бевосита хизмат, вазият тақозоси билан 14 кунлик чекловга тушганлардан, ҳануз эҳтиётсизлик, енгил-елпи муносабат кўрсатаётганлардан ҳам битта-яримта мисоллар бўлиб турибди.

Шу билан бирга, “кимга тўй, кимга аза” деганларидек, қасрона уйларини кўз-кўз қилиб, тўқчиликдан лаб-лунжини йиғиштиролмай, “уйда қолинг” даъватига жавобан қозонини эту мойга тўлдириб, алламбало анвойи таомлар пишираётганини ошкора намойиш этиб, ижтимоий тармоқларни тўлдираётган худбин кимсалар — “Ватанига бахтни тилайди”ган “санъат”чилар, нораво бачкана қилиқлари билан халққа гўёки хушкайфият улашаман, деган овсарнусхалар ҳам учраб қоляпти. Булар синовли кунларда узоқ-яқиндаги миллатдошларининг тирикчилик рўзғори — “эл-юртнинг дастурхони қандай”, деган андишанинг кўчасига кирмай, ўз тўқлигини бори оламга намойиш этиш нокамтарликкина эмас, балки камида одобсизлик, бадбинлик, юртдошларга беписандлик эканини англармиканлар?!

Таассуфки, булардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Билҳақ, ана шулар-да ижод аҳлига асарларининг конфликтларини топишга, бадиий-психологик таҳлил, фикрий коллизиялар, турфа характерлар ва уларнинг тўқнашув, зиддиятлари асосида воқеликнинг асл моҳиятини очишга, сюжетнинг қизиқ ва жозиб бўлишига, бадиий етукликка хизмат қиладиган унсурлар.

Демоқчиманки, вазият талаби билан уйда ўтирган жамики оила, уй ичи, қондошлик ришталарини мустаҳкамлаб, мутолаа даврали, оилавий гурунглар, дилдошлик, ҳамрозлик муносабатларини ростмана қарор топтираётган эканлар, ижод аҳли ана шу вазиятда бадиий яратиқлар учун асос бўладиган битиклар билан машғул бўлсалар, айни муддао бўлар эди. Ахир доно халқимиз “Бир ёмоннинг бир яхшиси ҳам бор”, деб балки шундай ҳолатларни ҳам бошдан кечириб айтгандир.

Очиғи, ҳозирги шитобли, югурик замонда бироз тўхтаб, тин олиш, ўз кечмиш хатти-ҳаракатларимизни мушоҳада этишдан йироқлашиб кетаётган эдик.

МИЛЛАТДОШЛИК, ВАТАНДОШЛИК – ҲАМЖИҲАТЛИК БЕЛГИСИ

Турмуш — мушт экан, тирикчилик, рўзғор — ғор экан, орзу-ҳавас бизга хос экан, дея хотиржамликни йўқотиб, ўзимизни ҳар ён уриб юрганимиз ҳам ҳақиқат. Нафақат биз — яккаш инсонлар, балки бутун инсоният бу жаҳду жадалдан бироз тўхташи, олду ортга эътиборсиз қаерга бу қадар шошиб чопаётганини англаши учун Яратганнинг ўзи фурсат беряпти, назаран. Аллоҳнинг кўзга кўринмас бир митти зарраси бори ер шарининг мувозанатини бузворай деяётган шу синов паллада сарак-саракка, пучак-пучакка ажраляпти. Маданияти тугалликка даъводаги не-не мамлакату элларнинг қандай кўйга тушаётганига гувоҳ бўляпмиз. Айни чоғда Ўзбекистондек ўттиз тўрт миллионлик аҳоли жоннинг ҳар биттаси учун бори масъулиятни зиммасига олиб, том маънода матонатини намойиш этаётган Президентимизни ва давлат, ҳукумат фидойиларини ҳам кўриб турибмиз. Яна ўша уч ярим йил аввал айтилган фикр — “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат этиши керак” деган шаҳду шиддат ёдга келади. Ана бу ҳам шу кунда тўла исботини топаётгани айни ҳақиқат. Шу ўринда кўнгилнинг яна бир эътирофики, биз бугун халқ, миллат эканимизни ростмана инкишоф этяпмиз. Беназир шоиримиз Абдулла Орипов бир пайтлар “Қачон халқ бўласан, эй сен оломон?!”, дея алам билан ҳайқирганида не-не қалблар қалқиган эди. Ўша ҳайқириқ бугун бор моҳияти ила акс садо бераётгандек, биз бир туғ остида бирлашганимизни ҳис этаётгандек бўляпмиз. Дард, дарддошлик эмас, миллатдошлик, ватандошлик туйғулари бизни ҳамжиҳат қиляпти. Илоҳо, рост бўлсин!

Мана биз учун, бутун ижод аҳли учун шарафли мавзулар, мазмунлар, ҳолатлар, қаҳрамонлар... Мазкур вазият бизни янада бурчлироқ қилиб кўяётганини ёддан чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Аксинча, бу виждон даъвати ўлароқ, бизни бот-бот уйғоқликка, темир сафда туришга, маънавий сафарбарликка ундамоғи шарт.

Иншооллоҳ, бу балолар чекингуси, бу кунлар ўтгуси. Ўша дамларда биз — адабиёт ва санъат аҳли кўзимизни ерга тикиб, қизарган юзимизни яширадиган хижолатли ҳолатга тушмаслигимиз керак.

Барчамизга соғу омонлик, сабру бардош, хотиржамлик, бирлик, ҳамжиҳатлик, меҳру оқибат неъматларини истаб

Шуҳрат РИЗАЕВ

Уйда қолинг!

АҚЛИЙ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ПАЛЛАСИ

Жуманазар БЕКНАЗАР,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Келажагини ўйлаган давлат, халқ, аввало, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий-маърифий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом, тафаккури юксак даражада бўлиши тўғрисида қайғуради. Барча саъй-ҳаракатларини шу эзгу ният ва орзуга уйғунлаштиради. Зеро, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу улуғ тушунчалар ўзгармас аксиома сифатида қолаверади.

Давлатимиз раҳбари пандемия туфайли кўриладиган чора-тадбирларнинг дастлабкиси сифатида ўғил-қизларнинг таълим-тарбиясида узлуксизлик таъминланишига алоҳида эътибор қаратди. Чунки бугун дунё илм-фанида халқаро рақобат қизғин кечаётган бир пайтда болаларимизнинг қолдирган бир кунлик сабоғи ҳам келгуси марраларга эришишда панд бериши мумкин. Шу боис, Президентимиз 3 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларга алоҳида мурожаат қилиб: **“Азиз фарзандларим, уйда вақтингизни бекор ўтказманг! Онлайн дарсларни қунт билан ўзлаштиринг. Китоб ўқинг, билимингизни оширинг, бадантарбия ва жисмоний машқларни бир кун ҳам қолдирманг”,** деди. Бу хитоб фақат болаларга эмас, уларнинг ота-оналарига ҳам қаратилган. Зеро, айни пайтда фарзандларимиз таълим-тарбияси учун ўқув муассасалари эмас, бутун халқ масъул.

Биз учун кутилмаган вазият — коронавирус туфайли вақтинча жорий этилган карантин ҳолатида ҳам эртамиз эгаларига асосий диққат-эътибор қаратилди. Биринчидан, коронавирус юқиши хавфидан уларни максимал ҳимоялаш чоралари кўрилди. Иккинчидан, пандемия юққан тақдирда ҳам касаллик енгил, баъзан белгилари кузатилмасдан ўтишини ҳисобга олиб, катта ёшдагиларга транзитор юқтирувчи бўлиб қолмаслиги таъминланди. Шу сабабли боғча ва мактаблар вақтинча ёпилди. Учинчидан, ўғил-қизларнинг нафақат ақлий салоҳиятини мустаҳкамлаш, балки бир қадар ривожлантириш мақсадида телевидение орқали дарслар ташкил қилинди.

Карантин туфайли болаларнинг уйда қолиши ота-оналар зиммасидаги масъулликни янада ошириши билан бирга, баъзи хатти-ҳаракатларимизни чеклаб қўйгани бор гап. Бироқ карантин туфайли ота-оналарнинг фарзандлари билан узоқ вақт бирга бўлиши қатор имкониятларни туғдирди.

Энг аввало, ота-оналар боласининг қалбига қулоқ тутиб, орзу-истакларини яхши англаб, тушуниб олади. Масалан, ўғил-қизларнинг ўқиётган китобига қараб ҳам қизиқиши, келгусида қайси соҳани эгаллашга интилиши аён бўлади. Ота-оналар фарзанднинг мана шу туғма хусусиятини билиб олиб, қизиққан соҳасига рағбат уйғотиши ва илҳомлантириши керак.

Айрим болаларнинг қўлига китоб тутқазиб, мажбур қилсангиз ҳам мутолаага ошно этолмайсиз. Шундай вазиятда олдингизда жиддий муаммо пайдо бўлади. Нега аввалроқ боламнинг китоб ўқишга рағбати йўқлигини пайқай олмадим, деб ўзингизга савол бериб, жавоб излайсиз. Энди бу масаланинг ечимини топишга ҳаракат қилишингиз энг тўғри қарор бўлади. Фарзандингиз билан дилдан, самимий суҳбатлашинг. Меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатинг. Очиқчасига сўранг: у нималар тўғрисида кўпроқ ўйлайди, фикр юритади, қайси касб эгаси бўлишни орзу қилади? Энг асосийси, болангизни китобга ошно этишга интилинг. Бунинг оддий йўли шуки, юртимизда яшаб ўтган буюк алломалар тўғрисида вазминлик ва завқ билан сўзлаб беринг. Масалан, Имом Бухорий бобомизнинг минглаб ҳадисларни, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий каби аждодларимизнинг 10 ёшлигида муқаддас Қуръони каримни ёддан билгани, Маҳмуд Замахшарий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий каби алломаларимизнинг дунё илм-фанида қолдирган ёрқин изи тўғрисида ҳикоя қилинг. Энг яхшиси, фарзандингизнинг қизиқиш доирасини билганингиздан кейин қўлингизга шу соҳага оид китобни олинг-да, шошилмасдан ўзингиз ўқинг. Мутолаа жараёнида қизиқ-қизиқ деталларни тушунтиришдан эринманг. Шу аснода болангизнинг сабр-тоқати қай даражада эканини ҳам билиб оласиз ва шунга кўра, “йўл харитаси”ни белгилаб оласиз. Масалан, ёшига нисбатан унинг сабр-тоқати 15, 20, 30 дақиқа ёки бир соатга етади. Мана шу вақтдан кейин унга танаффус бериш керак. Танаффус пайтида ҳам ўғил-қизингиз жисмоний машқлар билан шуғуллансин, телевизордаги фойдали кўрсатувларга эътибор қаратсин.

Бундай тартибда “йўл харитаси”ни тузиш бола мия фаолиятининг баъзан кучайиб ишлаши, баъзан эса дам олишини таъминлайди. Машғулотлардан безиш кайфияти пайдо бўлмайди. Болаларнинг кўп вақт уйда қолаётганининг яна бир яхши тарафи — уларнинг ухлаш ва уйғоқ бўлишининг суткалик ритмини билиб олиш мумкин.

Ўсиб келаётган ҳар бир организм ритми ҳар хил бўлади. Шу ритмга қараб, унинг дам олиш, овқатланиш ҳамда ақлий фаолият билан шуғулланиш тартиби белгилаб олинса, боланинг фойдали кун коэффициенти юқори бўлади.

Фарзандларимизни келгусидаги илмий-амалий рақобатга ҳозирдан тайёрлаб боришимиз шарт ва зарур. Зеро, ҳар бир шахснинг тафаккур қўлами, даражаси ва миқёси келажакда унинг муайян жамиятда ўз ўрнини топиб, амалиёт жабҳасида қандай поғонани эгаллашига боғлиқ.

Карантин, айниқса, оналар учун қулай имкониятни юзага келтирди. Чунки энди қизларига рўзғор юмушларини, овқат тайёрлаш ва дастурхон тузаш сир-асрорларини ўргатиши учун вақт етарли. Мана шу муддатда оналар қизларининг нималарга эпли, нималарга нўноқ эканини билиб, камчиликларни бартараф этиш устида ишлайди.

Ҳозирги вазият ота-оналар учун ўзига хос синов даври. Болаларининг яхши ва ёмон сифатлари, ахлоқий хусусиятлари, орзу-умидларини билиб олиш учун қулай фурсат. Шу пайтдан унумли фойдаланган ота-оналар фарзандларини эл-юртига садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш йўлини белгилаб олади.

Хуллас, берилган имконият болаларнинг ақлий, илмий, жисмоний машғулот билан шуғулланиши, танаффус пайтида тафаккурини тоблаб, сайқаллаши, келажакка мустаҳкам пойдевор қўйиш борасидаги режаларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоғи даркор. Бу фақат фарзандларнинг эмас, ота-оналарнинг ҳам бурчи эканини ёддан чиқармасак, шунга мувофиқ саъй-ҳаракат қилсак, вақтимиз беҳуда кетмайди. Шундай экан, ўғил-қизларимизнинг ақлий ва ахлоқий савиясини синовдан ўтказиш ва шунга асосан келгуси “йўл харитаси”ни мукаммал тузиш учун карантин даври имкониятларидан унумли фойдаланайлик.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров
«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1151.
43642 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 00:30 Топширилди — 02:55 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Хайриддин Мурод
Мусаҳҳих: Мафтуна Мингбоева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15